...Асосий қонунимизда суд қарорисиз ҳеч ким 48 соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги белгиланди. Эркинликни чеклаш фақат суд қарори асосида амалга оширилиши ҳақидаги қоида ҳам жорий қилинди. Айбланувчининг ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни сукут сақлаш ҳуқуқи ҳам биринчи марта конституциявий асосга эга бўлди. Адвокатларнинг мақоми оширилиб, улар терговчи ва прокурор билан тенг ваколатларга эга бўлди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
4-dekabr
chorshanba
№ 48 (1423)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

БОШ ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ КАФОЛАТИ



Инсоният яралгандан бери муайян қонунларга, қоидаларга амал қилиб келади. Башарият тарихида қандай муваффақиятларга, натижаларга эришилган бўлса, шубҳасиз, бу борада қонунларнинг, тартиб-қоидаларнинг алоҳида ўрни бор. Шу маънода мамлакатимизда ҳам барча соҳаларда қўлга киритилаётган улкан натижаларга Бош Қомусимиз ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Ҳар бир миллатнинг, давлатнинг тараққиёти бевосита амалдаги қонунлар билан белгиланади. Қонун устувор юртда адолат ҳукм суриб, виждон эркинлиги, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик таъминланади. Пировардида эса ўша юртда тинчлик-осойишталик, хотиржамлик барқарор бўлади.

Бугун мамлакатимизда яшаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари икки карра бахтиёрдир. Чунончи, Парвардигорнинг инояти ила Ватанимиз истиқлолга эришганига 33 йилдан ошди. Халқимиз ўзига, ўзлигига қайтиб, порлоқ келажак сари имон-эътиқод, ишонч ва умид билан одимламоқда. Бу, албатта, Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳаётбахш нормаларда инсон манфаатлари устувор эканлигининг амалдаги инъикосидир.

2-б.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

КИТОБ – ОФТОБДАН ҚАЛБЛАР НУРЛАНАР

Ҳазрат Алишер Навоий китобни беминнат устозга тенглаб, билим ва маънавий юксакликка эришишнинг энг асосий манбаи, деб таърифлайдилар.

Ҳурматли Юртбошимизнинг “...ҳаммамиз учун айни пайтда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди” деган фикрлари моҳиятида ҳам башарият илму маърифати, маънавият тарихида ёрқин юлдуз каби қолган аждодларимизнинг китобнинг баркамол авлод шаклланишидаги беқиёс ўрни, аҳамияти ҳақидаги фикр-хулосалари давлатимиз ички сиёсатидаги энг долзарб масалалардан экани эътироф этилган.



Дунё ҳамиша ўзгаришда, янгиланишда, тараққиёт сари кашфиётлар бўлаверади. Фақат инсонлар онгини эзгуликлар, ҳаёт тарзини хайру баракотлар билан тўлдиришга хизмат қиладиган китоблар ҳеч эскирмайди, янги-янги авлодлар бундай китобларни мисоли қалбларида асраган каби эҳтиёт қиладилар, келажакка энг улуғ мерос сифатида қолдирадилар.

Зеро, файласуф Цицерон айтганидек, “Кичкина бўлса ҳам, боғинг ва кутубхонанг бўлса — сен бошқа ҳеч нарсага муҳтож эмассан”.

Якунланаётган йилда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳам республикамиз ўқувчи-ёшларига мазмун-моҳияти жиҳатидан ибратли ва қизиқарли ҳамда шунга муносиб равишда замонавий дизайнга эга бўлган сифатли китоблар етказиб беришга ўзининг ҳиссасини қўшди.

Маълум қилинганидек, 2023 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган танловда уюшма “Аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, баркамол шахсни тарбиялашда китобхонлик маданиятини ошириш” лойиҳаси бўйича ғолибликни қўлга киритган эди. Лойиҳа доирасида “Китобхон болалар” туркумида Ориф Тўхташнинг “Шалола”, Абдураҳмон Акбарнинг “Оқ қовуннинг боласи”, Муҳаббат Йўлдошеванинг “Учар ҳаммом”, Исоқжон Нишоновнинг “Сеҳргарнинг узуги”, ҳаммуаллифларнинг “Болаликнинг қўлидан тутиб” номли китоблари “O‘zbekiston nashriyoti” давлат унитар корхонасида; “Дунё даҳолари” туркумидаги “Стив Жобс – компьютерга жон берган одам”, “Муҳаммад Али – барча даврларнинг буюк боксчиси”, “Леонардо да Винчи – замонасидан илгарилаб кетган ақл соҳиби”, “Моцарт – мусиқа даҳоси”, “Альберт Эйнштейн – серқирра даҳо” номли китоблар эса “ASAXIY BOOKS” МЧЖда, бу ўн номдаги китоблар ҳаммаси бўлиб 10 000 нусхада чоп этилди.

Ушбу китобларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда бўлиб ўтган тақдимотлари, айтиш мумкинки, жонкуяр ўқитувчилар ва китобсевар болажонлар учун ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

3-б.

НИГОҲ

ДАЪВАТКОР СЎЗ ҚУДРАТИ

Президентимиз ўтган ҳафта янги таркибдаги парламентда бўлиб ўтган қатор мажлисларда сўзга чиқиб, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичидаги муҳим масалалар бўйича асосий йўналишларни белгилаб бергани катта тарихий воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбари нутқларида билдирилган фикрлар нафақат сенатор ва депутатлар, балки шу юртни Ватани деб билган, ўз фаолиятини мамлакат равнақи, эл фаровонлигига бахшида этган ҳар бир инсон учун чинакам дастуриламал бўлди, десак, адашмаймиз.

ТАРИХИЙ УЧ КУН

Давлатимиз раҳбари 18 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисидаги нутқида депутатларни шарафли мақомга сазовор бўлгани билан қутлар экан, соҳадаги ютуқларни эътироф этиб, келгусидаги вазифаларни, янги марраларни белгилаб берди. Жумладан, халқ вакиллари эндиликда тўғридан-тўғри ишлайдиган ва аниқ ижро механизмларига эга қонунларни яратиши, парламент назоратини тўлақонли таъсирчан институтга айлантириши лозим. Сайлов округларидаги фаолиятларида фақат учрашувлар ташкил этиш, шикоят ва саволларга расмий жавоб бериш билан чекланиб қолмасдан, барча ислоҳотларнинг энг фаол иштирокчиси ва тарғиботчилари бўлиши зарур.

Шунингдек, келгуси беш йилда Қонунчилик палатаси олдида ғоят улкан вазифалар турибди. Хусусан, қонун ижодкорлиги жараёни, аввало, жамиятимиздаги долзарб муаммолар ечимига, халқимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилиши керак. Янги даврда парламент чинакам “халқ уйи”, унинг қуйи палатаси эса ғоялар генераторига, соғлом рақобат, баҳс ва мунозаралар майдонига айланиши даркор.


Президентимиз 19 ноябрь куни Олий Мажлис Сенатининг биринчи ялпи мажлисидаги нутқида ҳам қатор ғоя ва таклифларни илгари сурдики, уларнинг ҳар бири халқимизнинг азалий орзу-мақсадлари рўёбига хизмат қилади. Масалан, энди Сенат қонунларни муҳокама қилишда янгича механизмларни жорий этиши зарур. Айниқса, қонун ижодкорлиги жараёнига маҳаллий Кенгашларни кенг жалб этиш, ҳар бир қонун бўйича уларнинг фикрини олиш амалиётини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Сенат маҳаллий Кенгашлар фаолиятини тизимли таҳлил қилиб, уларга кўмаклашиб бориши керак. Умуман, сенатор мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида амалга оширилаётган ислоҳотларга ўзини дахлдор ҳис қилиши, уларнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун жон койитиши лозим. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **давлат ва халқ хизматчисининг — у сенатор ёки депутат бўладими, ҳоким ёки вазир бўладими — раҳбарлик масъулиятини ўз зиммасига олганидан сўнг беғам-бепарво, лоқайд бўлиб юришга, ҳузур-ҳаловатга берилиб яшашга маънавий ҳаққи йўқ.**

2-б.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

Тиббиёт ва адабиёт. Аслида, бу икки соҳа — икки олам. Аммо уларда биз кўпинча эътибор қилмайдиган яқинлик бордек. Тиббиёт инсонларнинг соғлиги-саломатлиги билан курашса, адабиёт одамлар қалби-шуурига, дардларига шерик бўлиб, керак бўлса, бутун жамиятнинг дарди ва муаммолари билан курашади.

Гап шундаки, бугунги суҳбатдошимиз ҳар иккала соҳага дахлдор инсон, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Республика бош уронефрологи, “Шуҳрат” медали соҳиби, тиббиётга оид 250 дан ортиқ мақолалар, 50 га яқин ихтиро ва рационализаторлик таклифлари, қатор тиббий рисолалар муаллифи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, бир қанча шеърий ва насрий асарлар автори — Жуманазар БЕКНАЗАР устоз билан кўпчиликни ўйлантираётган мавзулар — тиббиётнинг ютуқ ва муаммолари, дунё тажрибалари, соғлом она ва бола тарбияси, бугунги ва эртанги шифокорларнинг билим даражасию маҳорати ва бошқа масалаларда суҳбатлашдик.



Жуманазар БЕКНАЗАР:

“ШИФОКОР КУН ЎТКАЗИШ УЧУНГИНА ИШЛАШИ МУМКИН ЭМАС!”

— Устоз, суҳбатимизни бугунги дунё тиббиётининг ютуқ ва муаммолари мавзусидаги фикрларингиз билан бошласак.

— Ҳозир тиббиёт ўрта асрларга нисбатан анча илгарилиб кетди. Бугун буйракни, юракни кўчириб ўтказиш оддий ҳолатга айланди. Бу мураккаб жараёндан ўтганидан сўнг одамлар 20 йилдан ортиқ ҳам яшашмоқда. Буйрак кўчириб ўтказилгандан сўнг беморлардаги яшаш ёши ўртача 16 йилни ташкил этмоқда. Илгарилари бу кўрсаткичлар ақлга сиғмас, фантастик ҳолат бўлиб туюлар эди. Трансплантация амалиёти йўлида олимлар кечаю кундуз меҳнат қилишди, тўқималарнинг бир-бирига мослашуви устида тадқиқотлар олиб боришди, янги дори воситалари ихтиро қилишмоқда. Айни ҳозирги пайтда олимлар янада каттароқ тажрибалар устида бош қотиришмоқда. Бу — одамдан одамга бош мияни кўчириб ўтказиш. Билганингиздек, ҳазилакам иш эмас бу. Сабаби миянинг кулранг ҳужайралари кўпи билан 3-4 дақиқа яшайди, холос. Бу вақт ичида ҳужайраларни озиқ билан таъминлаб туриш ва зудлик билан амалиётни якунлаш талаб қилинади. Албатта, олимлар шунчаки тадқиқот қилишаётгани йўқ. Келажакда бу ҳаракатлар муваффақиятли якунланади, деган ишонч мавжуд. Чунки одам танасидаги ДНК ва РНКларнинг қаерда, қандай жойлашганлиги, қандай тузилганлиги синоатлари тиббиёт томонидан кашф қилинган.

3-б.

ОБУНА – 2025



Ўзликни англаш — “Hurriyat”дан бошланади!
2025 йил учун обуна давом этмоқда!

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун – 233

БОШ ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ КАФОЛАТИ

1-б.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида: *“Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”*, деб белгилаб қўйилган.

Бу қоида Аллоҳ таолонинг: “Эй инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир” (Ҳужурот сураси, 13-оят), ояти каримасига ҳамоҳангдир.

Аллоҳ таоло инсониятни шундай яратди. Аслида, У зот барчамизни бир миллат қилса ҳам бўлар эди. Лекин Буюк Раббимиз ҳар хил миллат қилди. Нима учун? Бир-биримизни таниб, ўзаро гўзал муомала қилиш учун турли миллат қилиб қўйди. Чунки оятда: “Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир”, дейилган. Шу боис биз бир-биримиз билан аҳил, иноқ бўлиб яшашимиз шарт.

Мамлакатимизда фақат Ислом динига эътиқод қилувчилар эмас, айни пайтда бошқа дин вакилларига ҳам алоҳида эъзоз, эҳтиром кўрсатилади.

Зотан, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам бошқа дин вакилларини ҳурмат қилганлар.

Жумладан, Анас розияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Макка фатҳи куни Абу Бакр розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг олдиларига ўз оталарини кўтариб олиб келдилар. Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Кекса одамни (овора қилмай) ўзимиз уйига бориб кўрган бўлар эдик”, деб марҳамат қилдилар.

Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу эса бир уйнинг олдидан ўтиб кетаётса, кекса кўр киши тиланчилик қилиб турган экан. Оҳиста унинг қўлидан туртиб, сўрадилар:

— Қайси диндансан?

— Аҳли китобман, — деди.

— Тиланчиликка нима мажбур қилди?

— Жизъя, муҳтожлик ва ёшим.

Умар розияллоҳу анҳу унинг қўлидан тутиб, уйига олиб кетди ва баъзи нарсалар берди. Сўнг хазинабонни чақириб, унга деди: “Манави инсонга ҳамда шу кабиларга эътибор қил. Худо ҳаққи, буларга инсоф қилмабмиз. Ёшлигида (жизьясини) олибмиз-ку, қарилигида хорлаб қўйибмиз”, деб, уни ва у кабиларни солиқдан озод қилдилар.

Мухтасар айтганда, янгидан қабул қилинган Конституциямизнинг қатор моддаларида дин ва виждон эркинлиги белгилаб берилган. Унда халқимиз менталитетига мос ишонч-эътиқод, адолату инсоф, диёнат, меҳру оқибат, ор-номус, иффат ва ҳаё каби эзгу фазилатлар ўз аксини топган. Бундан ташқари, асосий қомусимизда юртимизда яшовчи ҳар бир фуқаронинг манфаатлари, ҳуқуқ ва бурчлари қонун асосида белгилаб қўйилган. Бу эса бир юртда яшаётган турли миллат вакилларининг аҳил-иноқ яшашига замин яратади.

Жасурбек РАУПОВ,
Тошкент вилояти
бош имом-хатиби.

ДАЪВАТКОР СЎЗ ҚУДРАТИ



1-б.

Давлатимиз раҳбарининг 20 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқишга бағишланган мажлисидаги иштироки ҳам тарихий воқелик бўлди. Унда Шавкат Мирзиёев янги Ҳукумат, барча раҳбарлар олдидаги энг муҳим вазифаларга эътибор қаратди. Жумладан, макроиқтисодий мувозанатни сақлаб, келгуси беш йилда иқтисодий ўсиш суръатини 6-7 фоиз атрофида таъминлаш зарур. Ҳукумат 2030 йилгача ишсизликни халқаро эътироф этилган даража — 5-6 фоиздан оширмаслик бўйича долзарб вазифаларни ҳам самарали ҳал этиши лозим. Иқтисодиёт ва аҳоли даромадларини ўстиришда юқори қўшилган қиймат яратадиган саноат тармоқларига алоҳида аҳамият қаратиш керак. Шу билан бирга, иқтисодиётда хусусий секторнинг улушини 85 фоизга етказиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, таълим ва спортни ривожлантириш бўйича катта дастурларни самарали ва тўлиқ амалга ошириш — ҳамиша Ҳукуматнинг кун тартибида туриши керак бўлган асосий вазифалар.

Президентимиз томонидан ўртага ташланган ғоялар, илгари сурилган ташаббуслар бизни атрофимизда бўлаётган ўзгаришларга теран нигоҳ билан қарашга, зиммамиздаги вазифаларга замон талабларидан келиб чиққан ҳолда мутлақо янгича ёндашишга ундади.

Биз бугун буюк эврилишлар даврида яшаяпмиз. Жонажон Ватанимиз кундан-кунга ривожланиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда. Юз йилларда бир келадиган мана шундай масъулиятли паллада Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этиш бугунги авлоднинг тарихий миссиясидир.

ГУҲАРИ ШАРИФРОҚ ЙЎҚ ОНДИН...

Ҳаётининг асосий қисмини журналистика соҳасига бағишлаган инсон сифатида ишонч билан айтишим мумкинки, оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ходимлари учун ҳам бугунгидек масъулиятли давр ҳеч қачон бўлмаган. Бугун журналист юз бераётган ўзгаришларни четдан кузатиб, ёритиб борадиган солномачи эмас, балки уларнинг бевосита иштирокчисидир. Биз ўз сўзимиз билан одамларнинг дунёқарашини шакллантириш, эл-юрт тақдирига дахлдорлик, масъулият туйғуларини кучайтириш, уларни эзгу мақсадлар йўлида ҳаракатга ундаш, шу орқали кечаётган жараёнларга таъсир кўрсатиш кучига эгамиз.

Бу ҳақда гап кетар экан, журналистиканинг асосий қуроли — сўзнинг қудратини англаш ва ундан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида тўхталиш жоиз. Зеро, бу халқимизнинг ҳуқуқий демократик давлат, очиқ ва эркин фуқаролик жамияти қуришга қаратилган эзгу мақсад-муддаоларига ҳамоҳангдир.

Нега деганда, сўзнинг қудратини чуқур идрок қилган инсон уни беҳуда сарфламайди, аксинча, яхшиликка, бунёдкорликка сафарбар этади. Буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоий: “Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин, Сўздурки, берур жонға хабар жонондин” дер экан, биргина каломнинг жисман тирик бўлса-да, маънан ўликка айланган инсонга қайта жон бахш этиш қудратини, унинг жонон, яъни ҳаёт моҳияти, мағзини англаб, мазмунли умр кечиришига туртки бўлишини эътироф этади.

Эзгу сўз киши қалбини нур каби ёритар, ўткинчи дунёнинг оқу қорасини тафаккур қилишга ундар экан, уни турли ёвузликлардан, адолатсизликлардан, ноинсоний хатти-ҳаракатлардан асрайди. Ўзгаларни камситиш, ҳақ-ҳуқуқларини топташ, бузғунчилигу вайронкорликлардан қайтаради. Шу боис сўздан шарифроқ, муқаддасроқ, кучлироқ тушунча йўқ, деб билади ҳазрат Навоий:

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Зоҳиран гўзаллашган, сийратан янгиланган Ўзбекистонда бугун оммавий ахборот воситалари вакиллари сўзнинг беқиёс қудратидан, ўз билим ва маҳорати, қобилиятидан эмин-эркин фойдаланиш имкониятига эга. Медиа соҳаси вакилларининг ҳуқуқлари Конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйилди.

Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 81-моддасига кўра, оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ иш олиб борадилар. Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди.

Шу билан бирга, бундай эркинлик журналистларнинг “ўзига хон — кўланкаси майдон” бўлишини англатмайди. Ёлғон ахборот тарқатгани, ўзгалар ҳуқуқларига дахл қилгани учун қонун олдида жавоб беради. Яъни оммавий ахборот воситалари ўзи тақдим этадиган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгардир.

Демак, миллий контентни ҳар хил олдиқочди ахборотлар, узуқ-юлуқ хабарлар билан тўлдириб бўлмайди. Бировга ғайирлик, душманлик қилиб, унинг шаънига “мағзава тўкиш”, қадр-қимматини камситиш қуролига айлантириш ҳам мумкин эмас. Соҳа тараққиёти учун энг тўғри ва истиқболли йўл — Президентимиз

> ***Гап босма оммавий ахборот воситалари ҳақида борадиган бўлса, аввало, шуни айтиш лозимки, ўз тарихида аввалига радио, кейинчалик телевидение тимсолида қудратли рақобатчилар билан тўқнаш келиб, ўзининг ахборот маконидаги муносиб ўрнини сақлаб қола олган газета ва журналлар, бугун интернет деган деярли чекланмаган аудиторияга эга жаҳон ахборот макони билан юзма-юз турибди. Бу эса нашрлардан ишга янгича ёндашувни, ўқувчиларга янгиликларни етказиш билан чекланиб қолмасдан, воқеаларни чуқур таҳлил қилишини, муаммоларни кўтариб чиқиб, уларнинг ечимлари бўйича ҳам таклифлар беришни талаб этмоқда. Фақат шу йўл билан биз бугунги жараёнларнинг бевосита иштирокчиси сифатида ўз мавқеимизни сақлаб қоламиз.***

фаолиятининг дастлабки давридаёқ белгилаб берган йўриққа амал қилиш, уни кундалик фаолиятимиз тузугига айлантиришдир. Яъни **халқ билан мулоқот, одамларнинг орзу-интилишлари, дарду ташвишлари билан яшаш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган бугунги кунда ҳар бир оммавий ахборот воситаси чинакам мулоқот майдончасига, эркин фикр минбарига айланган тақдирдагина биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз...**

МАСЪУЛИЯТ ВА ИНТИЛИШ

Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимларига мурожаат қилар экан, кейинги йилларда юртимизда сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллигига эришиш йўлида кенг имкониятлар очилаётгани медиа воситалари вакилларининг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки, ўрни ва нуфузини янада кучайтираётганини таъкидлаган эди.

Чиндан ҳам, бугун оммавий ахборот воситалари ижобий ўзгаришлар жараёнини бошдан кечирмоқда. Мамлакатимиз сарҳадларида юз бераётган ҳар бир воқеа-ҳодиса, юртдошларимиз қувончу ташвишлари, уларни қийнаётган муаммоларни газеталаримиз саҳифаларида рўйирост, холисона ёритиш учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ.

Лекин оммавий ахборот воситалари бундай имкониятлардан нечоғли тўлиқ ва тўғри фойдалана оляпти, деган савол туғилади ва бу бежиз эмас.

Давлат раҳбарининг эътирофича, бугунги кунда матбуот иши, журналистлар фаолияти нафақат “тўртинчи ҳокимият”, балки мудофаа, хавфсизлик каби ҳал қилувчи соҳага айланиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, бугунги кун шароитида оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамиятини чуқур англаш жуда муҳим.

Гап босма оммавий ахборот воситалари ҳақида борадиган бўлса, аввало, шуни айтиш лозимки, ўз тарихида аввалига радио, кейинчалик телевидение тимсолида қудратли рақобатчилар билан тўқнаш келиб, ўзининг ахборот маконидаги муносиб ўрнини сақлаб қола олган газета ва журналлар, бугун интернет деган деярли чекланмаган аудиторияга эга жаҳон ахборот макони билан юзма-юз турибди. Бу эса нашрлардан ишга янгича ёндашувни, ўқувчиларга янгиликларни етказиш билан чекланиб қолмасдан, воқеаларни чуқур таҳлил қилишни, муаммоларни кўтариб чиқиб, уларнинг ечимлари бўйича ҳам таклифлар беришни талаб этмоқда. Фақат шу йўл билан биз бугунги жараёнларнинг бевосита иштирокчиси сифатида ўз мавқеимизни сақлаб қоламиз.

Табиийки, ахборот тарқатиш манбаларининг трансформацияси ундан фойдаланувчиларнинг танловига таъсир кўрсатмай қолмади. Сўровлар натижасига кўра, деярли ҳамма мамлакатларда аксарият респондентлар ўзи учун асосий ахборот манбаи сифатида энг аввал интернет-ресурсларни, кейин эса телевидение, сўнгра газета-журналлар ва радионини кўрсатишади.

Аммо бу босма нашрларга бўлган қизиқиш умумжаҳон миқёсида тушиб кетди, дегани эмас. Айниқса, Осиё қитъасида даврий нашрларга талаб катта. Дунёдаги 100 номдаги энг кўп сотиладиган кундалик газеталарнинг 74 номдагиси Осиёда босилиб чиқади. Шундан 62 таси — Хитой, Япония ва Ҳиндистонда. Бунинг устига, минтақада уларнинг адади ҳам ўсиб бормоқда. Кўпгина ҳолатларда бундай ўсиш газеталарни бепул тарқатиш ҳисобидан ҳам таъминланади. Шунга қарамай анъана давом этаётир. Аҳоли сони энг кўп бўлган ушбу қитъада газеталарнинг умумий адади 300 миллион нусхани ташкил этиши ҳам шундан далолат.

Техника тараққиёти ҳаётимизнинг барча соҳасида намоён бўлганидек, ОАВдаги трансформация ҳам ўз натижаларини бермоқда. Гап фақат унинг давлат ва жамият учун нечоғли аҳамиятли эканида!

Хўш, давлат раҳбари журналистика ҳақида гапира туриб, нега унинг бугунги кундаги аҳамиятини мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш билан қиёслади, ахир ахборот тарқатиш ўз ҳолича ҳеч қандай хавф туғдирмайди-ку. Демак, гап айнан ахборотнинг ўзида, унинг мазмунида. Гап — инсон ахборотдан, ўқиган, эшитган ёки кўрган маълумотидан қандай хулоса чиқаришида экан.

КУЧНИ ТЎҒРИ ЙЎНАЛТИРИШ

Барчамизга яхши аёнки, физикада кучни тўғри йўналтириш нариги жисмга таъсир этишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Эътибор берилса, маънавий-маърифий жабҳада ҳам худди шундай. Соғлом тафаккур ҳосиласи бўлган ғояни бунёдкорлик сари сафарбар этиш беқиёс эзгуликларга, тараққиётга пойдевор бўлади.

Бугунги кунда “Ҳар қайси жамият ҳаётида мафкура муҳимдир”, деган қараш бироз эскиргандек. Шундай бўлса-да, кўпгина мамлакатларда давлат айни шу — одамларга таъсир кўрсатувчи воситалар иштирокисиз ўз олдига қўйган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётнинг энг муҳим вазифаларини ҳал қилиши имконсиз эканини, очиқ бўлмаса-да, тан олишади.

Кимдир буни хоҳлайдими ё йўқми, бутун дунёда алоҳида мамлакатлар, альянслар, блоклар, синфлар, сиёсий партиялар, ижтимоий гуруҳлар ўртасида ғоявий кураш ҳар доим бўлган ва давом этмоқда. Муайян мамлакат ва бутун дунёнинг келажаги қандай бўлиши ҳам ана шу курашнинг натижасига боғлиқ.

Айрим экспертлар фикрича, давлат мафкураси ҳокимият тепасида турган муайян ижтимоий гуруҳнинг мафкураси бўлиб, ўша гуруҳ томонидан асосий мафкура сифатида эълон қилинган бўлади. Лекин ҳар қандай мафкура давлат мафкурасига айланар экан, у ҳукмрон мафкура бўлиб, бошқа ҳеч қайси мафкурани тан олмайдиган бўлади. Шунгача бориб етадики, у билан келиша олмаганларни тақиқлаш, қатағон қилиш, шунингдек, диктатура ўрнатишгача олиб боради ва бу тарихдан маълум.

Собиқ тузум даврида жамиятни мафкуралаштириш ҳаёт тартибларини сохталаштиришга, кўзбўямачиликларга, зулм ва ёвузликка, алалоқибат қўрқув ва ёлғонга асосланган мустабид салтанатни қуришга замин бўлганди. Бу салтанатда эркин фикр бўғилди, ўзгача қараш ва тутумлар таъқибга олинди. Натижада одамларнинг қалбини ҳадик ва хавотир эгаллаб олди. Уларда воқеликка танқидий ёндашув, ижодий муносабат йўқолди. Пировардида, орзулар армонга айланди. Юксалиш ва тараққиёт қуруқ сафсата бўлиб қолди. Инсонлар тафаккури ва жамиятдаги депсинишлар давлатнинг таназзулига сабаб бўлди.

Шукрки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ҳукмрон мафкура мавжуд эмаслиги қонунан мустаҳкамланди. Бу эса жамиятда қарашлар хилма-хиллигини таъминламоқда. Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 12-моддасида белгиланишича, “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас”. Шу боис “мафкура” тушунчаси бутун бир давлатнинг эмас, балки у ёки бу ижтимоий гуруҳнинг тизимли, тартибга солинган қарашлари сифатида талқин этилади.

Қайси бир мафкуранинг кўпроқ оммалашишида эса оммавий ахборот воситалари асосий ўрин тутади. Улар фақатгина атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ахборотларни тарқатиш манбаи эмас. ОАВ одамларга таъсир кўрсатиш бўйича кенг имкониятларга эга, уларнинг ахлоқига, юриш-туришига таъсир қилади, қадриятларини шакллантира олади.

Тарихда оммавий ахборот воситалари томонидан тарқатилаётган хабарлар, илгари сурилаётган ғояларга эътиборсизлик оғир оқибатларга олиб келган ҳолатлар ҳам бўлган. Масалан, 1994 йили Руандада юз берган геноцидга битта радиостанциядан тарқатилган тажовузкор чақириқлар сабаб бўлган. Мазкур радио аввалига кўнгилочар канал сифатида ташкил этилган бўлиб, кейин тезда тарғибот қуролига айланган. Бир мамлакатда яшовчи икки элат ўртасида нафрат оловини ёқиш охир-оқибат 800 минг нафар инсоннинг ўлимига олиб келган.

Яқин ўтмишдан олинган бу мисол оммавий ахборот воситаларининг кучига тўғри баҳо бериш ва бу кучни бунёдкорлик мақсадларига йўналтириш жуда муҳим эканини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, ахборот майдонини сифатли ва рақобатдош миллий контент билан тўлдириш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб.

КАСБГА САДОҚАТ ВА БУРЧ ТАҚОЗОСИ

Оммавий ахборот воситасининг яна бир устувор вазифаси — давлат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, фуқароларнинг қонуний мурожаатларини ўрганиш ва ҳал қилиш. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, бугунги кунда қурилиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги камчиликлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги муаммолар бўйича бериб борилаётган танқидий-таҳлилий материаллар жойларда мудраб ўтирган айрим раҳбар ва мутасаддиларни уйқудан уйғотиб, янгича ишлаб, одамларнинг ташвиши билан яшашга мажбур қилмоқда.

Тўғри, оммавий ахборот воситаларининг фаоллиги, журналистларнинг ўз касбига, бурчига содиқлиги, ватанпарварлиги баъзиларга ҳар доим ҳам ёқавермайди. Шу боис баъзан журналистга турли иғволар, ноҳақ иддаолар қилинади, у сохта айблов билан таъқибга олинади. Аммо бугун ҳақиқатгўй журналист ортида қонун, халқ ва уларни ўзининг энг яқин ҳамкорлари ҳамда ёрдамчилари деб ҳисоблайдиган Президент турибди.

Давлатимиз раҳбари бир сафар Қашқадарёга ташрифи чоғида **“Кўпчилик менга оммавий ахборот воситаларини “ёпишни” таклиф қилмоқда, лекин мен буни ҳеч қачон қилмайман”,** деб журналистларнинг эркин фаолият юритиши ва ҳаққоний сўз айтишига қарши бўлган, уларга тўсқинлик қилаётган кимсаларга, кучларга ўз фикрини, позициясини аниқ ва лўнда билдирганди.

Айни чоғда ушбу воқелик нафақат журналистларни илҳомлантириши, балки амалдорларнинг таҳлилий-танқидий чиқишларга муносабатини ҳам ўзгартириши лозим. Катта салоҳиятга эга раҳбар танқид учун журналистдан хафа бўлмайди. Аксинча, эътиборидан четда қолган муаммони ёритиб бергани учун миннатдор бўлади, камчиликларини тузатиб олади. Афсуски, ҳамма раҳбарларни ҳам шундай дея олмаймиз.

Муаммони қаламга олган журналист жамиятга ва давлатга душман эмас. Муайян соҳадаги камчиликни очиб бериш, раҳбарларнинг эътиборини қаратиш билан уларни бартараф этишга ҳаракат қилиш ОАВ вакилининг касби тақозосидир.

Оммавий ахборот воситасининг вазифалари ҳақида сўз кетар экан, адолатли танқидни чоп этиб, долзарб муаммоларни кўтарганда, улар қандай бартараф этилаётганини ҳам ёритишни эсдан чиқармаслик лозим. Мамлакатимизда, айниқса, кейинги йилларда иқтисодиёт ривожланиши, долзарб ижтимоий масалалар ҳал этилиши, одамларнинг ҳаёти яхшиланиб, турмуш фаровонлиги ортиши йўлида кўп-кўп ишлар қилинаётгани шундай дейишимизга асос бўлади.

Мана шундай ўзгаришларни ўқувчилар оммасига етказиш, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, пировард мақсадлари ҳақида маълумотлар бериш, хоҳ корхонада бўлсин, хоҳ томорқада бўлсин, сидқидилдан меҳнат қилиб, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган юртдошларимиз ҳақида ҳикоя қилиш — булар ҳам журналистиканинг ажралмас қисми. Бундай материаллар одамларда келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлайди, янгидан-янги марраларга илҳомлантиради. Оммавий ахборот воситаларининг қудратли кучини бунёдкорлик мақсадларига йўналтиришнинг асл моҳияти ҳам шундан иборат.

...Президентимиз иштирокида кетма-кет уч кун бўлиб ўтган мажлисларда қатнашиб, уларда Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида билдирилган таклиф ва ташаббуслар, ғоялар менда ана шундай фикр-мулоҳазаларни, мушоҳадаларни уйғотди. Энг муҳими, мамлакатимиз истиқболи, навқирон авлоднинг келажаги учун куюнчаклик, масъулият бугун ҳар биримизнинг ҳаётимиз қоидасига, тузугига айланиши лозимлигини яна бир бор чуқур англадик.

Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, **юртимиз тараққиётидаги бутунлай янги даврга қадам қўймоқдамиз. Ҳеч шубҳасиз, бу даврнинг қандай бўлиши биргаликда ўз олдимизга қўйган улкан мақсад ва вазифаларни самарали амалга оширишимизга боғлиқ.**

Ишончимиз комил, бу — Янги Ўзбекистонимиз жадал ривожланадиган, янада юксак тараққиёт чўққиларини забт этадиган давр бўлади. Бу давр парламент ва Ҳукумат фаолиятида янгича ишлаш, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш бўйича ибратли анъаналар шаклланадиган ва тарихга муҳрланадиган давр бўлади.

Келажак авлодлар, албатта, фахр билан тилга оладиган ана шундай буюк тарих ва келажакни яратиш бизнинг ўз қўлимизда.

Ўткир РАҲМАТ.

“Халқ сўзи” газетасининг 2024 йил 27 ноябрь 245-сонидан олинди.

Жуманазар БЕКНАЗАР:

“ШИФОКОР КУН ЎТКАЗИШ УЧУНГИНА ИШЛАШИ МУМКИН ЭМАС!”

1-б.

Ҳатто хромосомаларда қандай геномлар борлиги, яъни қайси жойида наслга тегишли қандай калитлар борлигини аниқлаш ишлари ҳам охирига етай деб қолди. Мана шу тажрибаларнинг ҳаммаси келажакда одамларнинг умрини узайтириш учун хизмат қилади. Айни пайтда 2,5 мингдан ортиқ насл касалликлари мавжуд. Агар мана шу геномлар кашф қилинса, хромосомадаги генларнинг қайси жойда жойлашганлигини билиб, уларга таъсир ўтказувчи механизмлари яратилса, келажакда наслий касалликларни бутунлай бартараф қилиш имкониятлари пайдо бўлади. Америка, Англия ва бошқа ривожланган мамлакатларда ирсий касалликларни аниқлаш учун катта лабораториялар ишламоқда. Шунинг учун ҳозир дунё тиббиётининг эришган ютуқларини сўз билан таърифлаш қийин. Шифокорлар доим соҳадаги янгиликлардан хабардор бўлишлари керак. Менинг назаримда, айни тиббиётдаги муаммоларнинг энг каттаси — янги туғилаётган болаларда норасоликларни камайтириш, ички аъзоларидаги етишмовчиликларни йўқ қилиш ва уларни ер юзига соғлом келтириш бўлмоқда. Бунинг учун оналарга ижобий таъсир йўли билан фарзандининг мутлақо соғлом туғилишига эътибор бериш кераклиги юзасидан кўникмалар ҳосил қилиш зарур. Бу ҳам тиббиётнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Чунки охирги пайтларда норасолик билан туғилишлар ўн йил илгарига қараганда ҳам бир оз кўпайган.

— Демак, дунё тажрибалари бизнинг диққатимизни ўзига қаратмоқда. Нима деб ўйлайсиз, ўзбек тиббиёти қачон жаҳон тиббиёти билан тенглаша олади?

— Бунинг учун биринчи навбатда шифокорлар тайёрлаш ва уларни етук, саводли, такомиллашган билимли, ҳар томонлама маънавиятли ва маърифатли қилиб етиштириш керак. Энг аввал шифокор бўлишга қобилиятли, бу касбни эгаллашни жон-дилидан истаган ўқувчи-абитуриентларни тиббиёт олий даргоҳларига қабул қилиш керак. Бундан ташқари, тиббиёт муассасаларига фақат тест орқали қабул қилиш ярамайди. Чунки шифокор деган масъулиятли касбга ўқитиладиган талабгорнинг табиати қандай, касалликларни даволашга ечим ахтариш, изланиш унинг ақлий режаларида борми — бу нарсаларни тест орқали билиб бўлмайди. Тестда мутлақо ҳеч нимани тушунмайдиган бола ҳам тахминий жавоблари билан тиббиёт олийгоҳига кириб кетиши мумкин. Ва шундай бўлаяпти ҳам. Бундайлар тушуниб-тушунмай дарсларда ўтириб, ўқишни тамомлар ҳам. Бундан ташқари, қўшимча контракт асосида, суперконтракт деган гаплар бор. Бу ҳам ёш кадрларнинг етук тиббиёт мутахассиси бўлиб етишишига зарар берадиган омил. Сабаби, шифокор бўламан деган абитуриент фақат берилган адабиётларни тўлиқ ўзлаштириш билан шуғулланиши керак. Хотирасига мустаҳкам ўрнатиши керакки, келажакдаги амалий ишларига ёрдам бўлсин. Фақат имтиҳон топшириш ёки курсдан-курсга ўтиш билан келажакда етук, ўз ишининг уста жарроҳи ёки етук шифокори бўлади, дейиш нотўғри. Олий таълим дипломини олган билан моҳир шифокорга айланиб қолмайди, тинимсиз изланиш, ўз устида ишлаш, янгиликларни топиб, янги билимларни амалиётда қўллаш керак. Бунинг учун эса улкан уқув керак. Агар уқув бўлмаса, бу шифокордан асло фойда йўқ. У кундан-кунга олий таълимдан олган билимини ҳам йўқотиб борувчи оқ халат кийган оддий одамга айланади. Бир жойни банд қилади.

Шифокорлар бошқа касб эгаларидан, масалан, ҳайдовчи, сотувчидан фарқ қилади. Чунки у инсон танаси, руҳий ва жисмоний саломатлиги билан ишлайди. Қабулига келган беморларнинг бугунги ва келажак ҳаёти унга боғлиқ бўлади. Тиббиётни ривожлантиришга институт, университетларнинг, шифокорларнинг сонини кўпайтириш билан эришиб бўлмайди. Чунки битта билимли шифокор юзта билимсиз шифокор ўрнини босади, юзта шифокор билимсиз бўлса, битта билимли шифокор ўрнини боса олмайди. Қачонки ўта билимли мутахассисларни етиштирсак, ўзбек тиббиёти “мана мен” деб бошқаларга ўзини кўрсатиб қўйиши мумкин. Биз фақат ўтмиш тиббиётимиздаги буюк шахслар билан мақтанишимиз эмас, келажакда етишиб чиқадиган шифокорлар билан ҳам мақтанишимиз керак. Ана ўшанда турли мураккаб операциялар учун чет элдан жарроҳларни олиб келмаймиз, балки дунё тиббиёт даргоҳлари бизнинг шифокорларни таклиф қиладиган даражага етамиз. Оддий бир мисол, Америка, Англия, Испания, Франциянинг жуда машҳур журналларида шу пайтгача юқори мазмун ва моҳиятга эга мақолалар 1 млн 100 мингтадан ошган. Агар янглишмасам, шу мақолаларнинг бирортасида ўзбек шифокори ёки олимининг исми-шарифи йўқ. Улар мутлақо янги, юқори талабларга жавоб берадиган мақолалар қабул қилади, холос. Бу нашрларда ўзбек тиббиёти вакилларининг бўлмаслиги ёки бўлса ҳам битта-иккиталиги ачинарли ҳол. Демак, бизда ҳали тиббиётга оид ихтиролар, янгиликлар етишмайди. Шифокор ойлик олиш, кун ўтказиш учунгина ишлаши керак эмас, балки бир кун “Нобель” мукофотини оларман, мана бу касалликка даво топарман, деб изланиши керак.

— Жуда оғриқли масалалар ҳақида сўз юритдингиз. Нима бўлганда ҳам шифокорлар — саломатлик посбонлари. Аммо танадаги касалликка одамнинг ўзи кўпроқ сабабчи бўлиши таъкидланади. Инсондаги турли касалликлар инсон руҳиятининг бузилганлигидан, салбий фикрлар билан тўлганидан деган қарашлар ҳам мавжуд. Бу ҳақда нима дея оласиз?

— Инсонни, аслида, руҳият бошқаради. Руҳиятда бўлаётган ўзгаришлар, албатта, унинг ички аъзоларига таъсир қилади. Тасаввур қилинг, бир одам икки кун чўлда қолиб кетди. Бир қултум сувга зор, ҳолдан тойган бир аҳволда. Узоқдан бир дарахтни кўрди. Балки, галлюцинациядир. Ўша одам “энди тирик қоладиган бўлдим” деган ўй билан, ўрмалаб бўлса ҳам етиб боради. Шунинг учун оғир ётган беморга “сен икки соатдан сўнг ўласан”, деса, у икки соатдан сўнг ўлиши мумкин. Ёки бир воқеани қаранг, фолбин бир одамга: “Сен шу йили шу кунда ўласан”, дебди. Фолбиннинг гапини ўйлаб юриб, айнан ўша кунда оддий кўричак операциясидан сўнг, ҳатто шифокорлар: “Сиздаги бу оддий яллиғланиш”, деса ҳам, ҳаётдан кўз юмган экан. Аслида, бу касалликдан мингтадан бир-иккита одам ўлиши мумкин, холос. Бу — руҳият кучи. У кучини сарфлаб бўлди. Инсон организмида буйрак усти безлари мавжуд, уларнинг уст қисмида жуда актив моддалар ишлаб чиқарилади. Масалан, адреналин, норадреналин каби. Агар инсон ҳаддан ташқари руҳий тушкунликка тушиб қолса, шу буйрак усти безларининг пўстлоқ қисмидаги моддалар ишлаб чиқарилиши тўхтайди. Натижада қон босими тушиб кетади. Баъзида қон босимини қайта ўртача ҳолатга кўтариш имконсиз бўлади. Руҳий тушкунлик кўпгина касалликларнинг асосидир. Доим мамнун, ишдан, атрофдагилардан рози, хурсанд қиёфада юриш керак. Шунда инсон умри узоқ бўлади.

— Тўғри айтасиз, устоз. Юқорида тиббиётнинг ривожланаётгани, кўплаб касалликларга шифо топилаётгани ҳақида сўз юритдингиз. Лекин шунга қарамай кўпчилик ҳамон қандайдир “табиб”лардан даво изламоқда. Бунга сабаб нима деб ўйлайсиз?

— Биласизми, бизда шифокорлардан кўра “табиб”ларни кўп мақташади, реклама қилишади. Чунки у дори ёзиб бермайди, укол қилмайди. Қандайдир ўзи тайёрлаган дориларини беради. Чиқим ҳам кам бўлади. Халқимиз жуда содда. Уларни ишонтириш осон. Лекин халқ табобатини инкор қила олмайман, сабаби табобат даво тополмаса, бирор касалликка шифокор даво топади. Буни оддий халқ тушунмайди ва мақталган табиб ёнига югуради. Афсуски, бугунги кунда ўзини “табиб” деб атаган қаллоблар ҳам кўпайгандан-кўпайган. Аммо огоҳ бўлган одам ундай сохта табибларга бориб ўтирмайди.

— Соғлом онадан соғлом бола дунёга келади, деган гап бор. Бугун оналар кўпроқ нималарга эътибор қаратишлари керак?

— Сир эмаски, ҳозирги ёшлар юртнинг эртанги эгалари, меҳнат маҳсули яратувчилари ва ижодкорларидир. Бу хислатларнинг қай даражада намоён бўлиши уларнинг соғломлигига бевосита боғлиқ. Ҳа, соғлом фарзанд эса соғлом онадан дунёга келади. Она ёки бўлажак онанинг ташқи кўриниши, қад-қомати ҳеч қачон саломатлик даражасини белгилаб бермайди. Ўзини ва келажагини ҳурмат қилган ҳар бир аёл, бўлажак она, энг аввало, соғлиғига жиддий эътибор бермоғи, ҳеч бўлмаганда, ҳар йили бир ёки икки марта шифокор кўригидан ўтмоғи, ўзини ҳар томонлама мукаммал текширтирмоғи лозим. Зеро, агар хасталиклар ҳали ўзини намоён қилмасдан, хос белгилар пайдо бўлмасдан олдин дард аниқланса, уни тезда, бутунлай бартараф қилиш осон бўлади. Бўлажак оналар асабийлашмаслиги, руҳий тушкунликка тушмаслиги керак. Чунки она стрессга тушса, ғам-алам қуршовида қолса, изтироб чекса, ундаги аёлларга хос ўта актив моддалар тизимида ёхуд қандайдир молекула занжирида узилишлар рўй беради. Натижада унда ортиқча моддалар пайдо бўлади ва болага ҳам таъсир қилади. Бу эса бўлажак фарзанднинг қайсидир органини издан чиқаради ёки шакланмай қолишига сабаб бўлади. Натижада бола нуқсон билан туғилиши мумкин. Демак, она доимо хотиржам муҳитда яшаши муҳим ва шарт.

— Бугун телефонга қарамлик авж олиб кетди, ҳамма бирдек телефонни қўлидан қўймайди. Бу қандай оқибатлар келтириб чиқаради?

— Агар телефон фақат мулоқот манбаи бўлиб хизмат қилса, унинг фойдаси кўп. Аммо сўнгги кунларда ёшларнинг маданиятини бузувчи воситага, ғийбатлар, фош қилиш, изза қилишлар маконига айланган. Одамлар “янгиликни тезда билиб оласиз”, деб телефон хизматини оқлашади. Асло ундай эмас. Маълумот оламан деб излаган одам умумий нимадир топади, холос. Янгилик ололмайсиз. Агар ихтиёримда бўлса, бутун чет элдан келтирилаётган телефонларнинг барчасини чеклаб, фақат алоқа-сўзлашув воситасига айлантирган бўлар эдим. Чунки у билим олиш йўлини тўсяпти, ҳа, айнан шундай. Таълим масканларида топшириқларни интернетдан тайёр кўчириб олиб келишади. Бу билим оширишга эмас, саводсизликни оширишга сабаб бўляпти. Аслида, китобнинг олдига тушадиган нарса йўқ. Телефондан фойдаланишда иродали бўлиш керак. Фақат фойдали ишлар учун. Телефон сабаб бугун ахлоқсизлик ҳам авж олмоқда. Кунора ижтимоий тармоқда қизларимизнинг шаънини қораловчи ҳолатлар, мерос масалалари чиқиб турибди. Уларнинг ҳаммаси ҳам тарбиявий аҳамиятга эга эмас. Бу нарсалар боланинг бор маънавий пойдеворини ҳам парчалаб ташламоқда.

Баъзи мамлакатларда телефондан ортиқча фойдаланиш қонун йўли билан тақиқланган ва улар тўғри йўл тутяпти. Чунки унинг фойдасидан зарари кўп. Иш жараёнида ўзим кўрганман ёшликдан телефон ўйнаб кўзлари ожиз бўлиб қолган болаларни. Улар бор кўз нурини телефонга беради. Кўз тубидаги тикланмас нерв ҳужайралари аста-секинлик билан атрофияга учраб бораверади.

— Халқимиз жуда қизиқ-да. Кўплар болаларни гўдаклигидан шифокордан қўрқитиб тарбиялайди. Яъни болам айтганимни қилсин, жим ўтирсин деб “ҳозир докторга олиб бораман, доктор укол қилади” дегандек сўзлар билан қўрқитади. Натижада мурғак гўдак шифокор ва шифохоналардан қўрқиб улғаяди. Шу ҳақида ҳам ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

— Болани тарбиялаш йўлини билиш керак. Уни табиатга, мусиқага, расм чизишга қизиқувчан қилиб тарбиялаш керак. Бу боланинг келажакда ким бўлиб етишишига катта таъсир қилади. Умуман, болани қўрқитиш усулларидан воз кечиш лозим. Қўрқитиш усулларининг ёмон томони — болада руҳий азият пайдо бўлади. Бу баъзида бир умр сақланиб қолиши мумкин. Инсонда иккита хотира маркази бор. Сиз Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййиднинг бирор шеърини ёд олсангиз, эртасига тутилмасдан айтиб берасиз, бир ҳафтадан сўнг эса баъзи сўзлар ёдингиздан чиқади, бир ойдан сўнг “қандай бошланарди” деб қоласиз. Сабаби, биринчи ёд олган пайтингизда у биринчи хотира марказига электр зарядлари сифатида жойлашади. Лекин электр зарядлари аста-секин тугайди. Агар шеърни қайта-қайта ёд олсангиз, у биринчи хотира марказидан иккинчи хотира марказига оқсил молекулалар сифатида жойлашади ва ҳеч қачон йўқолмайди. Масалан, ота-она, ака-ука, яқинларингиз исмини кечаси қаттиқ уйқудан уйғотиб сўраса ҳам айтиб берасиз. Чунки у жуда қаттиқ молекула ҳисобланади. Шу каби қўрқитиш усулларидан бир-иккитаси иккинчи хотира марказига келиб ўрнашиши мумкин. Шунинг учун уларни қўрқитиш эмас, тарбиявий ишларга банд қилиш керак. Ота-оналар фарзандларини тонгданоқ яхши ниятлар билан уйғотиб, яхши ишларга йўналтиришлари керак.

— Аввалларида ҳар бир уйда бешик бўлар эди. Бугун уларнинг ўрнини турли замонавий жиҳозлар эгалламоқда. Ўзларини замонавий кишилар деб билган айримлар бешикка нисбатан “эскилик” сифатида қарашаётгани сир эмас. “Бешикда болани ухлатиш зарар, унинг бошини қийшиқ қилиб қўяди” каби фикрлар ҳам бор. Бу ҳақдаги фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Бешикни “эскилик” деб қараш шўролар даврида, айниқса, авж олди. Бешик бола учун ҳар томонлама қулай, гигиеник томондан ҳам тоза ҳисобланади. Унинг устидаги ёпқичлари, тагидаги тўшамалари унга шифокорлик ҳам қилиши мумкин. “Бешикда ётган боланинг боши қийшиқ бўлиб қолади”, дейдиган оналарнинг ўзида камчилик бор. Агар она бир соат бир томонда, бир соат нариги томонда туриб уни овқатлантирса, ҳеч қандай салбий ҳолатлар бўлмайди. Бундан ташқари, бешикни тебратиш жараёни ҳам болага фойдали, у тебранганда танадаги майда қон томирлари фаоллиги ошиб, ички органларни қон билан таъминлайди. Аввалларида бешикда турли рангларга бўялган ошиқлар осиб қўйилар эди. Бола ўзи севган рангни ўйнайди. Натижада келажакда шу ранглардан бирини севиш ҳиссиёти пайдо бўлади. Бешикни бешиксиз хонадонларга қайтаришимиз керак.

— Сиз энг муҳим соҳа — тиббиёт соҳаси ходими ва шу билан бирга таниқли ижодкорсиз. Сизни ёзишга нима ундайди?

— Шифокор дегани юқорида айтганимдек, кўп тармоқли билимга эга бўлиши керак. У фақат тиббиёт соҳасида илғор бўлиши керак эмас. Адабиёт, фалсафани тушунса, янада яхши. Фалсафий фикрлаган шифокоргина соҳасида янгилик қила олади. Қолаверса, тиббиётнинг отаси ҳисобланган буюк ибн Сино бобомиз тарих, фалсафа, математика, астрономия каби фанларнинг юксак билимдони бўлгани каби, адабиёт билан ҳам жиддий машғул бўлганлиги бежиз эмас. Эътибор қилинг, сиз наср ёки назмдан маълум миқдорда хабардор бўлсангиз, фикрлаш қобилиятингиз шу қадар кенг бўлади. Зеро, Навоий бобомиз айтганидек:

Мени мен истаган ўз суҳбатиға
аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин
кўнглим писанд этмас.

Агар бирор фалсафий мушоҳадали, кенг тафаккурли одам билан суҳбат қилсангиз, суҳбатидан завқланасиз. Адабиётни ўқимаган, шеърият, насрни билмаган одам билан суҳбатлашсангиз, ундан ҳеч нима ололмайсиз. Мабодо шунақа одамлардан тўрт-бештаси йиғилиб қолса, бошқа гапи йўқлигидан ғийбат бошланади. Шунинг учун ҳар бир шифокор ўзига яраша ижодкор бўлиши керак. Ана ўшандагина у ўзидан кўнгли тўлиши, ишидан мамнун бўлиши учун янгилик қидиради. Янгиликка интилиш фақатгина ижодкор одамлардагина такомилга етади. Шифокор: “Бўлди, мен шифокор бўлдим, етади”, деб ўйласа, катта хато қилган бўлади. Унинг соҳаси терапия бўлса ҳам, болалар касалликлари, юқумли касалликлар, жарроҳлик тўғрисидаги билимларга эга бўлиши керак. Шунда у тўғри ташхис қўяди ва муаммоларга осон ечим беради.

— Матбуотдаги чиқишларингиздан бирида бугунги кўпчилик шифокорларнинг беморларга ҳаддан зиёд кўп дори ёзиб беришлари ҳақида айтган экансиз. “Иккита дорининг ўрнига ўнта дори ёзишади...” деб...

— “Зангори экран”лардаги чиқишларимнинг бирида “шифокор кўпи билан учта дори ёзиши керак” деган эдим. Бу жуда кўп баҳсларга сабаб бўлганди. Агар бир инсонда битта дард бўлса, шунга керакли таъсир қиладиган учта дори ёзиш етарли. Лекин, афсуски, бизнинг қабулимизга келаётган беморларда энг камида уч-тўртта дард бор. Шу сабаб баъзида олти-еттита дори ёзиб беришга тўғри келади. Бу ҳам бор гап. Лекин битта дард учун ўнта дори ёзиб бериш, бу — нотўғри. Баъзи шифокорлар “буниси таъсир қилмаса, буниси”, деб қатор дори ёзишади. Қайси дорилар қайси касалликка яхши таъсир қилишини билиш керак. Бемор билан суҳбатлашиш, унинг руҳиятини ҳис қилиш, ҳолатини англаш лозим эмасми?! Менимча шундай.

— Сўзларингизни тинглаб, “дорилардан даво воситасими, бошқа имконимиз йўқми?” деган савол хаёлга келяпти. Балки, табиий даволаш усулларини кенгайтириш керакдир?

— Ўзи, аслида, Аллоҳ инсонни яратаётган пайтда унга қандай касалликлар келишини ва уни нималар даволашини ҳам белгилаб қўйган. Қадимда одамлар табиатни кузатган. Ундан нажот топган. Кейинги вақтда одамзод ўзи яратган техникалар орасида табиатдан анчагина узоқлашиб кетганини чуқур ҳис қила бошлади. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда халқ табобатига эътибор кучайиб, бу усулда даволаш анча ривожланиб бормоқда. Табиий воситалардан фойдаланиш бу жуда катта ютуқларга олиб келади. Илгари микроблар ҳаддан ташқари кучли бўлган ва кўп турлари ўлимга олиб келган. Масалан, инсонни ёриб кўриш маҳалида беморнинг ички аъзосига озроқ тиғли нарса тегса, ўлган. Ҳозир эса қутқариб қолиш муаммо эмас. Пенициллин яратилганидан кейин 23 миллион инсоннинг ҳаёти сақлаб қолинди ва уни яратган Александр Флемингга Нобель мукофоти берилди. 40-50 йилларда дунёда менингит деган касаллик бироз кўпайди. Шу пайтда пенициллиннинг қирқдан бир нисбатдаги ҳиссаси танага киритилса ҳам касаллик чекинар эди. Ҳозир эса бемор вазнининг ҳар килограмига бир миллион дозадан берсангиз ҳам, таъсир қилмаяпти. Чунки микробларда пенициллинга нисбатан чидамлилик юзага келди. Ҳозирги пайтда антибиотикларнинг тўртбеш авлоди ишлатиляпти. Бироқ улар ҳам кучсизлик қилмоқда. Яқин келажакда микробларга қарши антибиотик ишлаб чиқиш энг катта муаммога айланиши мумкин. Табиийий маҳсулотлардан фойдаланишнинг яхши томони шундаки, уларга қарши микроблар ўзларининг чидамлилик хоссасини ишлаб чиқа олмайди. Чунки табиий маҳсулотлар ичида флавоноидлар мавжуд бўлиб, уларда қайси орган касал бўлса, ўша жойга бориб таъсир қилиш механизми бор. Халқ табобати ва табиий маҳсулотлардан фойдаланиш аста кўпаймоқда. Ҳозир ўзим ҳам антибиотикларсиз, гиёҳлар билан даволаш устида ишлаяпман. Жарроҳликдан олдин ҳам, кейин ҳам табобат орқали яхши натижага эришиш учун изланмоқдамиз.

— Сизнинг мамлакатимиз тиббиёти тўғрисидаги фикрларингиз одамни мушоҳадага ундайди. Ўзбекистонда саломатлик тўғрисида ҳам газета ва журналлар фаолият олиб бораётгани қувонарли. Улардаги чиқишларингизни ҳам мунтазам кузатиб борамиз. Шу ўринда матбуотимиз тақдирига ҳам тўхталсак. Бугунги матбуотнинг кузатувчиси сифатида, газеталарга ўқувчиларни қайтариш учун қандай йўл тутиш тўғри, деб ўйлайсиз?

— Аввало, “мажбурий обуна” деган гапни йўқотишимиз керак. Бизнинг халқимиз бу тушунчани интеллект даражасига етказа олмади. Газеталарда эркин фикр ҳукмрон бўлиши керак. Бундан ташқари, мамлакатимиздаги турли муаммолар ва уларнинг ечимига қаратилган мақолалар кўпайиши зарур. Бу масалада бошқа кўплаб газеталарга нисбатан “Hurriyat” илдам кетмоқда. Уни ҳурмат қиламан ва бирор сонини ўтказмай ўқийман. Сўзим сўнгида “Hurriyat” газетасига равнақ тилайман, саҳифаларида янада ўткир мақолаларни чоп этишини истаб қоламан.

— Жуманазар ака, мазмунли суҳбатингиз учун катта раҳмат!

Гулнора ШЕРМАТОВА
суҳбатлашди.



КИТОБ – ОФТОБДАН ҚАЛБЛАР НУРЛАНАР

1-б.

Китобларнинг дастлабки тақдимот тадбири, аввал ҳам хабар қилинганидек, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Китобсевар миллат” шиори остида бўлиб ўтди. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва Республика Журналистлар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган бу тадбирда журналистлар, шоир ва ёзувчилар, пойтахт ахборот-кутубхона марказлари мутахассислари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳамда ёш китобхонлар иштирок этдилар.

“Ўзбекистон” нашриёти бош муҳаррири Муҳиддин Омон олиб борган ушбу дастлабки тақдимотда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Дилшод Саиджонов, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Умида Тешабоева; ижодкорлар Ориф Тўхташ, Заҳро Ҳасанова ва бошқа зиёлилар мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, китоб ва китобхонликни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинаётганини алоҳида таъкидладилар. Ижодкорлар, кутубхона ходимлари бу янги нашрлар, шунингдек, китобхонлик бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдирдилар.

— Бугун тақдимоти ўтказилаётган ўн номдаги китоблардан ўрин олган шеърлар, ҳикоя ва эртаклар мазмунига мос ёрқин, чиройли расмлар билан бойитилиб, болалар эътиборини ўзига жалб қиладиган замонавий дизайнда, сифатли чоп этилган, — деди “Тонг юлдузи” газетаси бош муҳаррири Феруза Адилова. — Чунки бугунги ўқувчи-ёшларнинг талаб ва қизиқишлари кенг қиррали, замон билан ҳамнафас.

Ҳақиқатан ҳам, айни китобларнинг ҳар бири бетакрор ғоявий мазмуни ва шунга муносиб безаклари билан ёш ўқувчи диққатини тортади. Айниқса, “Дунё даҳолари” туркумида тайёрланган китоблар орқали физик олим Альберт Эйнштейн, рассом, ихтирочи, ёзувчи, мусиқачи Леонардо да Винчи, “компьютерга жон берган одам” Стив Жобс, “чарм қўлқоп қироли” деб шарафланган Муҳаммад Али, дунёга машҳур бастакор Моцарт ҳаёти, уларнинг фаолияти билан боғлиқ маълумотлар билан танишиш болажонларнинг илму фанга, спортга, санъатга бўлган қизиқишлари, муҳаббатларини орттиради; ўз соҳасида жаҳоншумул эътибор қозонган бу машҳур шахсларнинг ҳаётий ибрати ёш қалбларни мақсад сари дадил қадам ташлашга ўргатади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда республикамиз вилоятларининг нуфузли илм масканларида “Китобсевар миллат” шиори остида бўлиб ўтган, юқорида номлари қайд этилган ўнта китоб тақдимотларида жойлардаги Президент мактаблари, ихтисослаштирилган мактаблар ўқитувчи ва ўқувчилари вакиллари, ОАВ ходимлари, вилоят ҳамда шаҳар-туман ахборот-кутубхона марказларининг раҳбарлари, зиёлилар, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Нукус шаҳридаги Президент мактабида “Китобсевар миллат” шиори остида ўтказилган китоблар тақдимотида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори, сенатор Абдусаид Кўчимов, “Янги Ўзбекистон” ва “Правда востока” газеталари бош муҳаррири Салим Дониёров ҳам иштирок этиб, кейинги йилларда Президентимиз ташаббуслари, ғамхўрликлари билан мамлакатимизда китобхонликни тарғиб этиш, барча ҳудудлардаги ўқувчи-ёшларни илмий, ғоявий-бадиий жиҳатдан етук китоблар билан таъминлашга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилаётгани ва уларнинг ижобий самаралари ҳақида гапирдилар.

— Китоб – руҳиятимиз озуқаси, у билан дўстлашиш киши қалбини эзгу мақсадлар билан юксалтиради, шунингдек, унга жаҳонни танитади, яхшиликлар йўлида ҳамроҳлик қилади, эзгуликка етаклайди, — деди Хива тумани ахборот-кутубхона маркази раҳбари Малоҳат Рўзметова. — Кейинги йилларда Юртбошимиз раҳбарлигида китобхонликни кенгайтириш ва уни рағбатлантириш учун амалга оширилган тадбирлар натижасида китоб ўқишга қизиқувчан, бу бебаҳо илму маърифат, маънавият чашмаси билан дўстлашган болалар сони кескин ортиб боряпти. Уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришда янги китоблар бизга сув ва ҳаводек зарур, қадрли.

Эътиборли жиҳати шундаки, барча тақдимот тадбирлари иштирокчилари, айниқса, устозлар, китоб ва китобхонлик тарғиботчилари, маънавият фидойилари, ўқувчилар юзида таълим даргоҳлари кутубхоналарига, ахборот-кутубхона марказларига янги китоблар кириб бораётганидан хурсандлик, миннатдорлик туйғулари яққол акс этиб турарди.

— Ёш авлодга таълим-тарбия беришда китобларнинг ўрни беқиёс. “Аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, баркамол шахсни тарбиялашда китобхонлик маданиятини ошириш” лойиҳаси бўйича ўсмир болаларга китобларни нашрга тайёрлашдан олдин мутахассислар билан маслаҳатлашдик. Бу ёшдаги фарзандларимизнинг имкониятлари, билим даражаси, қизиқишлари, ўзига хосликларидан келиб чиқиб бадиий асарлар, машҳурлар ҳаётига оид китоблар танланди, — деди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Холмурод Салимов. — Нафақат вилоятлар марказларида, балки шаҳар-туман ахборот-кутубхона марказларида ҳам айни китобларнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Демак, юртимизнинг энг чекка ҳудудлари болажонлари ҳам янги бадиий нашрлардан хабардор бўлдилар, уларни олиб ўқишлари учун имконият яратилди. Илму маърифат тарқатишдек хайрли ишга ҳисса қўшганимиздан жуда хурсандмиз.

10 000 нусхадаги китоблар республикамиздаги Президент мактаблари, махсус ихтисослаштирилган мактаблар, ахборот-кутубхона марказлари, ижод мактабларига ва оилавий болалар уйларига туҳфа этилди.

“Ҳеч қайси мебель китобчалик мафтункор эмас”, деган эди дунёга машҳур адиблардан бири. Ўйлаймизки, китоблар хонадонларнинг, таълим даргоҳларининг энг бебаҳо бойлиги, қалбларнинг устози-дўсти бўлади. Тақдим этилган ҳар бир китобни бир ўқувчи, айтайлик, бир ҳафта давомида ўқиб чиқса ҳам, бу китоблардан минг-минглаб ёш авлод нур-зиё олади, ақлу шуури ва тафаккури бойийди, маънавияти юксалади, тенглар ичра тенг бўлиб қаддию қадрини тиклаётган Янги Ўзбекистонга муносиб фарзандлар камол топади.

Муҳтарама УЛУҒОВА,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
масъул ходими.

ЭСЛАБ...

Бунга кўп йиллар бўлди. Лекин бари кечагидек хотирамда.

...1982 йили туманимиз газетасида “Иш қизғин” сарлавҳали хабарчам босилибди. Бу янгиликни амаким топиб келди. То газета қўлимга теккунча, нақ романи чиққан одамдек ҳаяжонда юрдим, денг. Шу-шу туман, вилоят, республика миқёсидаги вақтли матбуотларда номим зикр этила бошланди.

“Ленин байроғи” — ҳозирги “Сурхон тонги” вилоят газетасида мактаб саҳнасига қўйилган асар ҳақидаги мақолам босилди. Газетадаги варианти мен жўнатганимдан яхшигина фарқ қилганини сездим. Устозлар “ишлов” беришгани билиниб турарди. Бироз фурсат ўтиб, ўша нашр адабиёт бўлими мудири деб таъкидланган Маҳмуд Абулфайзов имзоси билан хат олдим. Унда фойдали маслаҳатлар билан бирга, аниқ топшириқлар хам берилганди. Тавсия этилган манзиллардан тайёрлаган материалларим деярли газетанинг ҳар сонида бериб борила бошланди.

НОТАНИШ ТАНИШИМНИНГ САБОҒИ

Бир куни Алижон ака деган қишлоғимиз почтачиси уйга келиб, бир қоғозга қўл қўйдиргач, анчагина пул бериб кетди. Гонорар (қалам ҳақи) экан. Ана шунда моддий манфаатдорликнинг ҳаракатлантирувчи кучи қанчалар таъсирли эканлигини ҳис қилганман.

Қайси жабҳа бўлишидан қатъи назар, маслаҳат ва топшириқларни Маҳмуд акадан олиб турардим. Ўз навбатида, режаларим билан танишиб, бўлажак журналист мактаб дарсликларидан ташқари яна нималарга эътибор бериши, ҳатто танишиб бориш зарур бўлган бадиий асарлар рўйхатини ҳам эслатиб турардилар. Ёзишмаларимиздан бирида, у киши ҳам туманимиздаги тоғ қишлоқларида туғилиб, вояга етганликларини, айни чоғда вилоят марказида истиқомат қилишларини билдириб ўтдилар. Мен учун қувонарлиси, гарчи ғойибона бўлса-да, маънавий устоз топиб олгандим.



Устоз Маҳмуд Абулфайз (чапда) билан бирга. 1999 йил.

Ҳадеганда устоз билан учрашишнинг иложи йўқ эди. Мен оддий ўқувчи бўлсам... Бир сафар тоғлик қариндошимиз Тўра тоғамнинг вилоятда врач бўлиб ишлайдиган ўғли Ҳасан тоғам йўл-йўлакай уйга кириб ўтаркан, мени ҳам бир ҳафтага ўзига шерик қилиб Термизга олиб кетадиган бўлди.

Вокзал одам билан тирбанд. Биз чиқишимиз керак бўлган поезд масофавий жадвал асосида ҳаракатланиши боис олдиндан чипта сотилмаскан. Шундоқ поезд келиб тўхташи билан, ҳамма гур этиб ўзини вагон эшиклари томон урар, улгурган одамгина ўтириб кетадиган жойга эга бўларкан. Мен ёш, дўхтир тоғамнинг эса бир оёқлари оқсоқликлари туфайли, базўр вагонга чиқиб олдик. Лекин ўтирадиган жойлар аллақачон эгаллаб бўлинганди.

“Оббо, жиян-эй, кўргилик. Энди Худо бизга қувват берсин, манзилга етгунча тик оёқда кетамиз”, — деб тургандилар, шундоқ ёнгинамиздан: “Ҳасанбой, ҳой Ҳасанбой, бу ёққа келинг, сиғишамиз, жиян ҳам келаверсин”, деган овоз эшитилди. Юкларимизни олдимизга олиб жойлашдик. Тоғам: “Сизлар ўтириб турингланр, мен қўшни вагондаги шерикларимдан бир хабар олиб келай”, деб ўринларидан қўзғалдилар.

“Йўл бўлсин, Ҳасанбой дўхтирга ким бўласиз?” — гап бошлади суҳбатдошим иккимиз ёлғиз қолгач. Ўрта бўй, оқ сариқдан келган, ингичка мўйлови ўзига хўп ярашган бу одам гапирганда истеҳзо қилаётгандек кўринарди. Шу қувлигими, мийиғида кулиб туришими-ей ёки алоҳида ҳурмат билан сизсизлаб гапириши сабаб бўлдими, бироз беписанд тарзда, киброна боқиб, саволларига дадил-дадил жавоб қайтаравердим.

— Таътилда бир ўйнаб келай дебсиз-да?

— Қайда, бекорчиликка вақт йўқ.

— Шунақами, айни шу ёз палласида нималар билан бунча бандсиз?

Қайсидир ўқиган китоб қаҳрамонимнинг жавобларига тақлидона гап бошладим:

— Янги асаримга материал тўпламоқчиман. Шаҳарни кўзим билан кўриб, театрга тушмоқчиман. Ишлар кўп. Вақт масаласи тиғиз. Бир ҳафтада уйга қайтаман, барчасига улгуришим керак.

— Режали экансиз. Айтмоқчи, “янги асаримга” дедингизми? Ёзувчимисиз? — ҳайратланганнамо сўради суҳбатдошим.

Шундай катта одамнинг менга ҳавас қилаётгани азбаройи завқимни оширди:

— Шундай деса ҳам бўлади. Қисса, романларга энди қўл уряпман. Сафардан яна бир муддаом ҳам шу.

— Ҳали машҳур бўлиб кетсангиз, олдингизга боролмай юрмайлик. Танишиб олайлик. Ким дейдилар сиз жаноблари?

Яна бир мухлисига эга бўлган адибдек кеккайиб жавоб бердим:

— Олтиншер Ҳамидий. Албатта, бу тахаллусим. Ҳа, айтмоқчи... — сиз қаердан ҳам билардингиз, дегандек бир қараб олиб давом этдим. — Вақтли нашрларда... (исми-насабимни дона-дона қилиб айтдим) шу ном остида излайсиз...

Яна ҳам ҳайрати ошганини кўриб, суҳбатдошимга “билмаганингизни сўрайверинг” қабилида боқдим.

— Қайси газета, журналларда мақолаларингиз билан танишиб борсак бўлади?

— Ўзимиз (туманимиз)нинг ва вилоят ҳамда марказий газеталарда тинимсиз мақола, ҳикояларим босилиб туради.

— Қаламкашлардан кимларни танийсиз ва ижодий ҳамкорлик қилиб турасиз?

— Ҳайитали Раҳмон, Абдуғаффор Одина, Қўчқор Норқобил, Гуландом Тоғаева, ҳатто бир муддат Тоғай Мурод билан ҳам бирга ишлаганман. Вилоятда эса... Маҳмуд Абулфайзлар билан қалинман.

Суҳбатдошимни кузатарканман, бу гапларимдан кейин уни тамоман ўзимга ипсиз боғлаб қўйганимга амин эдим.

— Охирги санаб ўтган ижодкорингиз билан қанчалар яқинсиз? — эҳтиёткорона боқди ҳамсуҳбатим.

Беш-ўнта мактублар орқали ёзишмаларимиз бор эмасми, ана шулардан куч олиб:

— Жуда яхши, тез-тез учрашиб турамиз... — дедим.

Суҳбат шу ерга етганда, Ҳасан тоғам келиб қолдилар. Маълум вақт ўтгач, паровоз манзилга етганимизни билдириб қўнғироқ чалди.

— Сизларни мундоқ бир яқинроқ таништирмоқчи эдим. Ушланиб қолиб кетдим-да, танишиб олдингизларми? — сўради дўхтир тоғам.

Мендан олдин суҳбатдошим жавоб қайтарди:

— Ҳа, биз обдан танишдик. Сиздан бир илтимос, Ҳасанбой, эртага меҳмонни кеч соат олтида вилоят Маннон Уйғур театрига олиб келинг, биргаликда бир маданий ҳордиқ чиқарайлик.

Хайрлашар чоғида тоғамга ваъдани яна бир бор эслатиб, қўлимни қаттиқ қисиб қўйдилар.

Ёзнинг чилласи эмасми, Термиз деганлари усти очиқ тандирнинг ўзи экан. Уст-бошим жиққа тердан чиппа баданга ёпишган, тоғамнинг гапларига базўр жавоб қайтараман. Оғзимни очсам, ичимга олов кириб кетади гўё. Шаҳарнинг бешинчи микрорайонидаги 5 қаватли уйнинг 5-қаватига пиёда кўтарилдик. Кўчадаги 40 даража иссиқ қўлларимиздаги юк билан тепага илдамларканмиз, нақ 50 даражага ошди, чамамда. Амал-тақал хонага кириб олдик. “Жиян, парво қилманг, ҳозир уйдагилар бериб юборган чакки (сузма)дан муздай чалоб (айрон) қиламиз, сен кўр, мен кўр бўлиб кетасиз”, дедилар тоғам аггор аҳволимга боқиб. Шу заҳоти катта идишга қатиқдан солиб эзғиларканлар, ваннадан сув олиб келишимни буюрдилар. Ванна жўмрагини кўпроқ очиб, сув ола бошлагандим, савол бериб қолдилар:

— Жиян, Маҳмудхон ака билан ҳам танишиб олдингизми? Маъқул бўлганга ўхшайсиз чоғи, бежизга эртага театрга таклиф қилмадилар.

— Қайси Маҳмудхон...

Поезддаги суҳбатдошимиз ҳақида шама қилаётганларини бироздан сўнг англадим.

— Ҳали вагонда бирга келган киши-да, Маҳмудхон Абулфайзовни айтяпман.

Тоғамнинг сўнгги гаплари жуда узоқ-узоқлардан келаётгандек туюлди. Бирданига дув қизариб кетдим, ичимдан шундай бир иссиқлик чиқдики, ана энди бемалол мендаги ҳовур 60-70 даражага етганди...

Эртаси кун қанчалар тихирлик қилмай, тоғам: “Лафз қилганман, қолаверса, эшонбобонинг яъни Маҳмудхон аканинг хотини бўла (хола)ваччангиз экан, кечқурун меҳмондорчиликка ҳам чақиришган, — дегач, ноилож бордим. Энг ажабланарлиси, Маҳмудхон ака ҳеч нарса бўлмагандек кутиб олдилар.

Шу куни театрда у кишининг сценарийси асосида саҳналаштирилган спектаклни томоша қилдик. Уйларида меҳмон ҳам бўлдик.

...Орадан қанча вақт ўтмасин, устоз бўлиб ўтган бу воқеаларни ҳеч кимга айтмади. Фақат бир нарсани қатъий тайинладилар: “Бўшашмасдан ўқинг, албатта, журналист нони шарафли ва ҳалол, ҳақиқатни олиб чиқишнинг ўзи бўлмайди... ЁЛҒОННИ ЭПЛАДИНГИЗМИ, ДЕМАК, ЁЗА ОЛАСИЗ”. Қаламга ошно тутинишимни насиҳат қилгандилар.

Шерали ҲАБИБУЛЛО

УМР ИБРАТИ

ЗАҲМАТКАШ ЖУРНАЛИСТ, ЗУККО РАҲБАР

Бугун ким кўп — журналист кўп. Қоғоз керак эмас, ручка керак эмас, қўлингизда телефон бўлса бас, журналистсиз. Қизиғи, махсус маълумот бор-йўқлигининг аҳамияти йўқ, олий маълумот ҳақидаги дипломнинг бўлиши ҳам шарт эмас. Ростёлғонлиги тўғрисида ҳужжатга эга бўлмаган тўрт қатор хабарни телефонда эълон қилиб юборасиз — “журналистсиз”. Албатта, хабар тарқатиш воситаси қоғоз ўрнига телефон бўлган ҳамма хабарчиларга ҳам тааллуқли эмас юқоридаги гаплар. Улар орасида, аслида, қалами ўткир ҳақиқий журналистлар ҳам, ҳақиқий журналистдан ошириб сифатли-салмоқли хабару мақолалар эълон қилаётганлар ҳам кам эмас. Журналистикада қоғоз ўрнини телефон, электрон воситалар эгаллаётгани эса мутлақо салбий ҳодиса эмас, давр тақозоси, тараққиёт самараси деб қабул қилиш тўғри бўлади...

Айни пайтда бу замонавий воситалар янги газетанинг ўрнини, киоскадан сотиб олиб варақлаётганингизда уни ўқишга рағбат уйғотувчи, илҳом берувчи, бўёқ иси димоққа уриб турувчи газетанинг ўрнини босолмаслиги тайин. Худди шунинг учундир, бугун биздан тараққиётда жуда олдинда бўлган Америка, Англия ва Европа мамлакатларида ҳамон газета дўконлари гуркираб ишлаб турибди, гавжум жойларда газета сотувчи-тарқатувчилар фаолияти давом этяпти...

Ана шу “минг йиллик” газета заҳматкаши бўлган бир ҳамкасб инсонни қутлуғ ёши билан табриклаш мақсадида қўлимга қалам олган эдим. Беихтиёр юқоридаги гаплар қоғозга тўкилди.

Бу инсон қарийб ўн йил “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида, сўнгра яна бир неча йил “Правда Востока” газетасида бош муҳаррирлик лавозимларида ишлаган Аббосхон Усмонов!

Газетачилик — сермашаққат, серзаҳмат соҳа. Газетада, яъни таҳририятда ишлаган ҳар бир журналист қаламкаш бу фикрга қўшилишига ишончим комил. Эртага саҳарда ёруғ дунё юзини кўриши керак бўлган газета учун таҳририятда бугун эрталабдан ҳаракат — жараён бошланади. Машинкада-компьютерда кўчирилган қўлёзма хабар ва мақолалар босмахонага берилади, линотип машиналарда бу матнлар қўрғошин сатрларга кўчирилади, темир рамкада саҳифалаб, бўёқ суртиб қоғоз-саҳифага кўчириб таҳририятга юборилади, корректор-мусаҳҳиҳлар уни асл нусхага солиштириб ўқиб, хатоларини тузатади, сўнг навбатчи муҳаррир ўқийди, сўнгра бош муҳаррир ўқийди...

Ана шунақа меҳнат! Тўғрироғи, заҳмат эди. “Эди”. Аббосхон ака эса умрининг, фаолиятининг катта қисмини мана шу заҳматларга “раҳбарлик” қилиб ўтказди. Йўқ, бу айтилганлар газетачиликнинг, бош муҳаррир фаолиятининг таҳририят ва босмахона ўртасида кечадиган, “осойишта меҳнат” билан кечадиган бир қисми, холос. Раҳмат ҳамда асаббузарликлар билан кечадиган иккинчи ярми ундан кўра бошқачароқ, балки сермашаққатроқ ҳам. Мақтов мақолалар, бошқа ижобий материаллар бир нави, беозор. Биров “мени нега ноўрин мақтадинг?” деб ёқангдан олмайди ҳеч қачон, лекин танқидий мақолалар баъзан бош муҳаррирнинг тинкасини қуритади: тўғри гап туққанингга ёқмайди, дегандек. Лекин у мақолалар — керак. Адолат ва ҳақиқатнинг қарор топиши, тикланиши учун, мамлакат тараққиёти учун керак. Асосийси, бундай мақолалар газетхон учун, газетанинг обрўси учун ҳам зарур. Одамлар газетадан бирон-бир янгиликдан хабардор бўлиш учун, ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ўзгаришлардан, ислоҳотлардан хабардор бўлиш учун уни дўкондан сотиб олади, варақлайди. Танқидий мақолани эса деярли ҳамма ўқийди. Бош муҳаррир дадил бўлса, виждонли бўлса, жасур бўлсагина бундай мақолалар тез-тез газета саҳифаларидан ўрин эгаллайди. Аббосхон Усмонов бош муҳаррир бўлган газеталар тахламларини варақлаган газетхон эса бу Шахсга юқоридаги сифатлар ҳамроҳ эканлигига гувоҳ бўлади...



Маълум давр мобайнида бирга ишлаганмиз. Навбатдаги мақолани кўтариб кирган эдим, у киши ўз столи ортида тик турганича “вертушка” — ҳукумат телефонида ким биландир суҳбатлашяпти. Чиқиб кетмоқчи эдим, “кираверинг” ишорасидан кейин яқинлашиб, беихтиёр суҳбатни эшитдим. Англадимки, нариги томондаги суҳбатдош Бош прокурор экан. Бош муҳаррир асабий, чирсиллаб жавоб қайтаряпти суҳбатдошига. Уч-тўрт дақиқа суҳбатдан сўнг бўлмади, Аббосхон ака портлади:

— Келиб газетани ўзинглар чиқаринглар, бўлмаса! — деди ҳаяжон ва зарда билан. Сўнг суҳбат қисқа давом этди, хайрлашишди.

Албатта, нима гаплигини мен сўрамадим, у киши айтмади. Шуниси аниқки, ўша прокурор бу лавозимда узоқ ўтирмаганлардан бири эди.

Танқид — Ватаннинг дўсти, журналистнинг душмани. Биринчи навбатда бош муҳаррир журналистнинг. Табиатида адолат, ҳақиқатга мойиллик, Ватанига, эл-юртига муҳаббат мавжуд инсонгина фақат юмшоқ курсисини эмас, жамиятни ўйлайди. Аббосхон Усмоновга ўхшаганлар...

Донишманд публицист-ёзувчи Альбер Камю ёзган эди: “Мен Ватанимни койийман, танқид қиламан, чунки мен уни бошқалардан кўра кўпроқ яхши кўраман!”

Аббосхон ака мамлакатдаги энг нуфузли ижодий жамоага ўтган асрнинг сўнгги йилларида раҳбар лавозимига тайинланган эди. Юз нафардан ортиқ ижодкорлардан иборат “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарига раҳбарлик қилиш эса раҳбардан жуда катта салоҳият, ҳаётий тажриба, муомала дипломатиясини тақозо этади. Бу давргача узоқ йиллар Тошкент вилоят партия қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва бошқа юқори идораларда катта-кичик турли лавозимларда ишлаб келган Аббосхон Салоҳиддиновичда бундай сифату фазилатлар етарли бўлгани, рус тилини мукаммал билгани учун ҳам кўп йиллар муваффақиятли, самарали фаолият юритди. Ўша даврларда унинг раҳбарлиги остида меҳнат қилган қатор журналистлар ҳозиргача у кишини ҳурмат-эҳтиром билан тилга оладилар...

...Телевизорда ўлкамизнинг Бўстонлиғу Сурхон тоғларидаги шаршараларни, оромбахш табиат манзараларини кўрганимда, Россиянинг “Природа” каналини томоша қилаётиб, Аббосхон аканинг ташкилотчилик қобилиятига оид бир ҳолат ёдимга тушаверади. Ҳозирги ёш авлод ишониши қийиндир, лекин бор гап шуки — телевизорда илгари бундай манзаралар умуман намойиш этилмаган. Расмий кўрсатув ва расмий хабарлар, гаплар, холос. Қадим даврда эмас, бундан бор-йўғи ўттиз йил муқаддам шундай эди. Ўша даврда Президент Девонида бош консультант лавозимида ишлаётган Аббосхон Усмонов Мустақилликка оид долзарб бир китобни юқори савияли полиграфияда чоп эттириш учун ношир мутахассис билан биргаликда бир ойга яқин Туркия сафарида бўлди. Қайтиб келгач, таассуротларини ҳикоя қилиб хулоса ясаяптилар: “Мен у ерда кашф қилган бир нарса — туркlар Ватанини жуда қаттиқ яхши кўради. Кечқурун меҳмонхонада телевизор кўрамиз-ку, кўрсатувларнинг орасида Туркиянинг гўзал гўшаларини, табиат манзараларини шунчаки матнсиз намойиш этиб, “О-о, менинг Туркиям!” деб ҳайқириб қўйишади”.

Бирга ишлардик, хонада ўтирибмиз. Менинг кўз олдимга ўзимиздаги Туркиядан қолишмайдиган ўша тоғлару шаршаралар келди. Буни устозга айтдим. Аббосхон ака бир зум ўйланиб қолди, сўнг: “Ростданам, нега биз телевизорда ўша гўзалликларни кўрсатишимиз мумкин эмас, кўрсатувлар орасида, томошабин дам олиши учун?” деди ва дарҳол тўрт рақамли ҳукумат телефони трубкасини кўтариб, ўша вақтда телерадиокомпания раиси вазифасини бажараётган Зафар Ҳакимовга бу таклиф-топшириқни айтдилар. Вассалом, ўлка гўзаллиги экранларга кўчди...

Умр — оқар дарё. Юқоридаги воқеа-ҳодисалар худди кечагина бўлиб ўтгандек. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Аббосхон Усмонов шу кунларда фарзандлару невара-чеваралар — оила даврасида қутлуғ саксон ёшни қаршилаяптилар. Унвондан бошқа мукофотларини санаш учун ўзларига мурожаат қилишим керак эди, мурожаат қилмадим. Сабаби, “мақола шарт эмас” дейишлари эҳтимолга жуда яқин. У киши шу даражада камтар инсон...

Тўқсонга тўқнашганда, юзга юзлашганда санармиз бошқа мукофотларни, умрингиз зиёда бўлсин, устоз!..

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ,
журналист,
юрист.

ЖАҲОН АЙВОНИДА

“El Mundo Financiero”: Янги Ўзбекистонда Конституция ва қонун устуворлигига эришиш ислоҳотларнинг бош мезонига айланмоқда

Испаниянинг оммабоп “El Mundo Financiero” электрон нашрида “Очиқлик ва адолат – Янги Ўзбекистондаги ўзгаришларнинг асосий омили” сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Мақолада қайд этилганидек, Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ўзгаришлар мамлакатнинг янги тараққиёт йўлини белгилаб бермоқда. “Бу жараёнда очиқлик ва адолат асосий омиллардан бири сифатида намоён бўляпти”, – дейилган нашрда.

Испания электрон нашри давлат бошқарувида ва жамиятда шаффофликни таъминлаш, ахборотга эркин кириш имкониятини яратиш ва фуқароларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш очиқликнинг мавжудлигидан далолатдир, дея таъкидлаган.

Шунингдек, муаллиф “Коррупцияга қарши курашиш ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистон “Transparency International” ташкилотининг коррупцияни қабул қилиш индекси каби халқаро рейтингларда ўз мавқеини яхшилашга интилмоқда. Бунга эришиш учун давлат харидлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, товар ва хизматлар нархларининг ошишига йўл қўймаслик чоралари кўрилмоқда”, – деб ёзган.

Нашрда таъкидланишича, ҳозирги кунда Янги Ўзбекистонда Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мезонига айлантирилмоқда. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш амалиётини камайтириш жараёнларининг йўлга қўйилиши белгиланди. Судлар ҳамда тергов органлари фаолиятида айрим процессуал ҳаракатларни масофадан туриб амалга ошириш имкониятларини камида икки баробарга ошириш кўзда тутилган.

“Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш ўзбек халқи бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади”, – дейилган “El Mundo Financiero” тарқатган мақолада.

“Дунё” АА,
Мадрид шаҳри.


EL MUNDO FINANCIERO.com
FUNDADO EN 1946

La apertura y la equidad son los principales factores de cambio en el nuevo Uzbekistán

En los últimos años, Uzbekistán ha experimentado importantes reformas que están definiendo una nueva vía de desarrollo para el país

Los factores más importantes de este proceso son la apertura y la justicia, que sirven de base para construir una nueva sociedad. La transparencia de la administración pública, el acceso a la información y la consideración de las opiniones de los ciudadanos son pruebas de la apertura del Estado y de su voluntad de diálogo con la sociedad. Cabe señalar que el proceso de reforma en el país está cobrando impulso. Y lo que es más importante, Uzbekistán ya ha superado la etapa más difícil, al haber definido su rumbo e iniciado la aplicación de reformas a gran escala. Continuar las reformas y llevarlas a su conclusión lógica es una de las principales tareas de la actual etapa de desarrollo del país. A pesar de las dificultades, el Nuevo Uzbekistán es capaz de hacerlo, ya que en los últimos años se ha creado un marco político, jurídico, socioeconómico, organizativo e institucional para llevar a cabo una tarea de tal

ЭССЕ

НАЖОТКОР СЎЗЛИ ШОИР

Компьютерни ёқсам, телеграмм Азамат Зариф навоийликдан хабар келганини билдирди:

“Ассалому алайкум!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир ва журналист Одил Ҳотамов таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан “Одил Ҳотамов замондошлари хотирасида” китоби тайёрланмоқда. Шу боис устозимиз билан яқинлигингиз, ижодий ҳамкорлигингиз ва хотиралардан иборат мақола тайёрлаб берсангиз, хайрли иш бўлар эди.

22.10.2024 йил”.

“Ташаккур! Бир ҳафталарда жўнатаман”, — деб жавоб ёздим-у, кейин ўйланиб қолдим.

Курсдош-дўст ҳақида нима биламан?



...Эсласам, деярли жуда кам нарса билар эканман.

Одил Ҳотамовни 1973 йилнинг август ойи охирида университетга кириш имтиҳонларини топшириб, мандат комиссиясидан ўтаётганда “таниганман”. Комиссия раиси, университет ректори, академик С.Саримсоқов ҳужжатлар тўпламимни ўқиб, мактабни олтин медаль билан битирган, туман газетасида масъул котиб вазифасида ишлаган, армия хизматини ўтаган, имтиҳонлардан 23 балл тўплаган қабилидаги “талабаликка муносиблик” кўрсаткичларимни санаётганда, у кишининг чап томонида ўтирган кўзойнакли комиссия аъзоси (у кишининг факультет декани Анвар ака Шомақсудов эканини кейин билдим) ёнидаги киши билан гаплашиб, “Одил Ҳотамовга ёрдамчиликка, гуруҳ комсорглигига олсак бўлар экан”, деганини эшитиб қолдим.

Биринчи сентябрда машғулотлар бошланган куни танишиш баробарида Одил ака курс оқсоқоли сифатида қалин йўқлама дафтарига ҳар биримизнинг шахсимизга оид маълумотларни жамлаб, 25 қоракўзга етакчиликни бошлаб юбордилар.

Бошқа пайтда ҳаммамиз қатори университет талабаси бўлган Одил аканинг раҳбарлик хислати икки ҳолатда бўртиб кўзга ташланар эди. Биринчиси — стипендия олганда, иккинчиси — кераксиз мажлислар ва зерикарли лекцияларга кирмаганимизда. Одил ака КПСС аъзолигига номзод сифатида гуруҳда темир интизом бўлишига кўп тиришар, лекин ҳар бири ўзидан катта ижодкор, энг камида публицистика қироли ясаб олган жўшқин йигит-қизларни бошқариш осон бўлмаган.

Бир мавсум ётоқхона ва ижарахонада бирга яшадик. Пойтахтнинг Қорақамиш даҳасида икки хонали ижара уй топиб, кўчиб борганимизда, хонадон эгаси — кекса кампир Одил аканинг қоп-қоп китобларини кўриб: “Бу китоб жинниларини уйимга қўймайман”, деб бизни қувиб солган эди.

У кунларни Одил шоир “Талабалар шаҳарчаси” туркумига кирган “Жийроним” шеърида шундай тасвирлайди:

Тўлқин-тўлқин қирларни ташлаб,
Келган эди азим шаҳарга.
Кетарди гоҳ юрагим ғашлаб,
Боқмасдан ҳеч тунга, саҳарга.

Ижарада, ётоқхонада,
Бирга-бирга кўчиб юрарди.
Посбон кампир қўймаса агар,
Деразамдан учиб кирарди.

Университетдаги машғулотларнинг биринчи ҳафтасида курсимиз куратори, журналистика назариясидан лекция ўқийдиган домламиз Мухтор Худойқуловдан кейинги дарсгача иншо ёзиб келиш ҳақида топшириқ олдик. Мавзу ҳам, ижод жанри ҳам эркин. Бу биз учун университетдаги илк ижодий синов эди. Синов якунида паркентлик курсдошимиз Хайриддин Султоннинг битиклари биринчи ўринга муносиб топилди.

Чиндан ҳам Паркентдан Тошкентга келгунча тиқилинч автобусда унинг бошидан кечган машмашалар таъсирли битик қилинган эди. Йўловчилар билан тирбанд трамвай, троллейбусу автобусларда ўқишга қатновчи ҳар бир талабанинг бошидан кечган бу воқеани Хайриддин Султонов “кўра олган” ва “ҳам куласан, ҳам йиғлайсан” тарзида чиройли қилиб ёзган эди.

Иккинчи машғулотда менинг қишлоқ ҳақидаги шеърий лавҳаларим биринчи ўринга муносиб кўрилди. Навбат Одил Ҳотамовнинг иншосига келганда Мухтор ака ним табассум билан:

— Одилжон, иккаламизнинг ўхшаш томонимиз бор экан, — деб қолди. — Сиз рамз ва тимсоллар билан шеър ёзар экансиз, мен эса масал қиламан, — деб ҳазилга ўтиб кетди.

Биринчи курсда “Ёшлик” номи билан журнал чиқарганмиз. Мен муҳаррирлик қилганман. Одил ака масъул котиб сифатида курсдош ёзарларнинг ижод намуналарини жамлаган. Уларни курсдошимиз Насиба Аҳмаджонова холаси шоира Гулчеҳра Нуриллаеванинг машинкасида уч нусха кўчириб келган. Журналнинг икки сони чиқиб, кейин газетага ўтиб кетганмиз. Факультетда энг узун (энли ватман қоғозда беш метрлик) деворий газетани биз чиқарганмиз. Унда ҳатто талабалар ҳаётидан олинган детектив ҳикоялар босилган. Талабалар шаҳарчасининг бошланишидаги биноларда жойлашган “Биофак”, “Физфак” талабалари келиб ўқиб кетишар эди. Газета безакларининг ранго-ранг бўлиши ва материалларнинг тўғри жойланишида масъул котибимиз Одил Ҳотамовнинг хизматлари катта бўлган (фаришталар “омин” деган эканми, кейинчалик Одил ака то нафақага чиққунига қадар “Кармана овози” газетасида масъул котиб вазифасида ишлади). Менимча, бу журнал ва газеталаримиз Одил аканинг архивида сақланаётган бўлиши мумкин. Чунки у киши ўзи ва дўстларига тегишли ҳар қандай ёзиқни авайлаб олиб қўйишга одатланган, айни пайтда ниҳоятда китобга ўч ўқирман эди. Унинг китобсеварлиги тақдирида оғир из қолдирган воқеаларга сабаб бўлган экан.

Бир суҳбатда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам: “Одилбой биз билан ўқир эди. Лекин нима учун ўқишни ташлаб армияга кетиб қолганини эслолмайман”, деган эди. Фотожурналистикамиз қироли Абдуғани Жуманинг айтишича, иккинчи курсда ўқиётганида пальто олишга уйдан берилган пулга Одил ака китоб сотиб олади ва 1969 йилги энг оғир келган қишни битта костюмда ўтказиб, қаттиқ шамоллаб қолади. Узоқ вақт шифохонада даволанади. Касаллик арийвермагач, академик таътил олиб қишлоғига кетади ва яна даволанади. Бу орада таътил муддати ўтиб кетади ва Одил Ҳотам талабаликдан ўчирилиб, уни пойлаб юрган ҳарбий комиссариатнинг қўлига тушади. Армиядан қайтиб, ўқишини тикламоқчи бўлганида, университет маъмурияти кўнмайди ва Одил Ҳотам қайтадан, энди биз билан ўқишга киришга мажбур бўлган экан.

...Эртакда айтилганидай, талабаликнинг олтин дамлари кўз очиб юмгунча ўтди-кетди.

Тўртинчи курсни тугатиб-тугатмай Ўзбекистон тарихи курсидан дарс берувчи домламиз Тоҳир ака Пидаев мени собиқ курсдош дўсти Маҳкам ака Рисқиев мудирлик қилаётган “Ватандош” радиостанциясига етаклаб борди. Бешинчи курсни тугатиб, диплом олганимиздан сўнг Одил акани Карманага кузатганмиз ва то уйигача китобларини кўтаришиб боришни у киши билан анча яқин бўлган курсдошимиз Бахтиёр Назаровга топширганмиз. Шундан кейин Тошкентда ишлаб қолганларни эътиборга олмаганда, вилоятлардаги собиқ курсдошлар билан онда-сонда хабарлашиб турганмиз. Чунки ҳамма ўзини намоён этиш билан банд бўлган. Уйланган, турмушга чиққан, бола-чақа қилган.

Собиқ курсдошлар ҳаётида табиий кечадиган бу узоқлашишни Одил Ҳотам оғриқли хотирот билан эслайди:

Узоқлашиб боравердик биз,
Дилдошликдан балки тўйди у.
Умр лойин қоравердик биз,
Тушларимга кирмай қўйди у.

...Асов ҳаёт оғриқларидан
Ҳуркиб, безиб қирга етдими?
Олтин, олмос туёқларидан
Тушовларни узиб кетдими?

Тирикчилик — ханжар дамидир,
Курашларда ошар ҳайроним.
Титроқ шабнам кўнгил ғамидир,
Қайга кетди азиз жийроним?

Кўзларида зангори осмон,
Ёлларига еллар қасида.
Юрибдими адашиб ҳамон,
Талабалар шаҳарчасида.

Одил Ҳотам бу шеърни “Ёшлик” баёзининг 1980 йилги сонида чоп этилган “Жийроним” шеъримга жавоб тариқасида ёзган. Мен уни 42 йилдан кейин Одил Ҳотамнинг “Хирмон” китобини варақлаб, кўзда ёш билан ўқиб ўтирибман...

Бизнинг талабалик давримизда ёш ижодкорларнинг илк тўплами Ёзувчилар уюшмасида муҳокамадан ўтказилиб, кейин нашр этишга тавсия қилинар эди. Масалан, ҳозирда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам ва иқтидорли шоир Муҳаммад Раҳмоннинг илк тўпламлари Ёзувчилар уюшмасида муҳокама этилганини яхши эслайман. Одил Ҳотамнинг илк тўплами “Кечки майсалар” вилоятларда яшаётган аҳли қаламнинг ижод намуналарини ҳам пропаганда қилишга дохил юқорининг кўрсатмаси сабаб 1985 йилда нашр этилган. Бунгача карманалик шоир Одил Ҳотам шеърлари “Ёшлик” баёзи, “Гулистон” ва “Ёшлик” журналларида босилиб, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов каби оқсоқол ижодкорларнинг эътиборига тушган эди.

“Карманалик ўзига хос ижодкор”нинг (Асқад Мухтор таъбири) шуҳрати билан изма-из Одил Ҳотамов “Кармана овози” (“Коммунизм байроғи”) газетаси қошида ташкил эган ёш ижодкорларнинг “Чашма” тўгараги ҳақида ҳам Тошкентнинг адабий давраларида яхши гаплар айлана бошлади.

Бир суҳбатида атоқли адибимиз Пиримқул Қодиров Москвада ишлаб юрганида Чингиз Айтматов унга ёзувчилик билан кун кўриш оғир кечишини, шунинг учун яна бир тирикчилик манбаи яратиб қўйишни маслаҳат берганини айтган эди. Пиримқул ака улуғ ёзувчининг маслаҳатига амал қилиб, адабий тил муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб боради ва номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, кўп йиллар Ўзбекистон Фанлар Академияси қошидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим вазифасида ишлаган.

Журналистлик Одил Ҳотамовнинг шунчаки “хоббиси”, яъни тирикчилик манбаи эмас эди. У 40 йил “Кармана овози”нинг шоири бўлиб яшади; газетанинг мазмунан ўқишли, шаклан рисоладагидек чоп этилиб, ўз вақтида газетхонлар қўлига етиб бориши учун жон куйдирди.

Саксонинчи йилларнинг бошида Тошкентда Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг мажлислар залида ўтган катта бир йиғинда Кармана туман газетаси мазмун-мундарижаси ва безатилиши жиҳатдан республикадаги энг намунали нашрларидан бири сифатида тилга олинганида, курсдош дўстим ишлаётган газетанинг ютуғидан ич-ичимдан қувонганман.

Ҳар қандай нашр ўзининг муаллифлари билан ўқишли бўлади. Одил Ҳотамов туман зиёлиларини газета атрофига жамлашга катта эътибор қаратади. Таҳририятга келаётган хат-хабарлар ва ёш ижодкорларнинг машқларини ойма-ой шарҳлаб, “пичоққа илинадиганлари”ни газетада чоп этди. Умидли бўлиб кўринган ёшларни тўгарагига чорлаб, йўл-йўриқ кўрсатиб борди.

Одил Ҳотам “Чашма” адабий тўгараги аъзоларига бағишланган шеърида:

Минг йилликлар заррин қатига
Сингдирганча буткул иймонни.

Улуғвор СЎЗ салтанатига,
Бошлагайсиз Ўзбекистонни, —

деб шогирдларига катта умидларини илинган эди.

Унинг тўгарагидан чиққан ижодкорларнинг кўпчилиги ҳозир вилоят ва республика нашрларида самарали меҳнат қилишмоқда. Бугун мамлакатимиз ўқирманларига номлари яхши таниш бўлган ҳассос шоир ва моҳир таржимон, бу йил муносиб равишда “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотланган Вафо Файзуллоҳ, журналист Барноқул Эшпўлатовлар ўз вақтида шу “Чашма”нинг тингловчилари бўлишган. Яна мақоламиз бошида тилга олганимиз Азамат Зариф навоийлик, Феруз Неъматуллаевлар қаторида Одил Ҳотамовнинг айни давр адабиётимизда шиддат билан бўй кўрсатаётган муносиб шогирдлари рўйхатини анча давом эттириш мумкин.

Ўтган асрнинг эллигинчи йиллари охири ва олтмишинчи йиллари бошида пойтахт Тошкентда Эркин Воҳидов, Сайёр, Тўлқин каби шоирлар униб-ўсган домла Ғайратий тўгарагига дохил машҳурликни саксонинчи йиллардан Одил Ҳотамов Карманада давом эттирди.

Одил ака бир гал Тошкентга келганида, ишдан сўнг уйга олиб кетдим. Ҳовлида кечаси билан шеърхонлик қилдик, ўтган-кетганлардан мириқиб суҳбатлашдик. Гап орасида туман партия қўмитасида “Кармананинг қора тарихини оқлаб” туркум мақолалар ва шеърлар ёзаётгани учун уни муҳокама қилишганини ҳазил аралаш гапириб берган эди.

— Колхоз-совхоз ва қишлоқ кенгашлари қошидаги кутубхоналар кундузлари ёпиб қўйилганини танқид қилиб мақола ёзибсан, — дейди шу йиғилишда райкомнинг мафкура ишлари бўйича учинчи котиби, қоши-кўзи попукдек аёл ўдағайлаб. — Билмайсанми, кутубхоначилар пахта теримида. Бугундан бошлаб мактаб ва туман кутубхоналари ходимлари ҳам теримга чиқади. Улар қироатхонасини кечқурун, соат саккиздан кейин очишади. Ким бунга қарши бўлса, пахта душмани сифатида жавобгарликка тортилади.

Шу йиғилишда Одил ака мелисалар туғруқхонага кетаётган “тез ёрдам” машинасини тўхтатиб, пахта тердирмоқчи бўлганини айтганида, “котиба опай” эътибор бермайди ва аксинча, “масалангни партия мажлисига олиб чиқаман”, деб пўписа қилади.

“Пахта душмани” бўлиш оғир айблов эди. У замонлар арқонини узиб, пахта оралаб кетган бир сувчининг моли — гўштга, ўзи — судга топширилганини айтсам, ҳозирги ёшлар ишонмас. Лекин булар бўлган воқеа, ҳақиқат.

Буюклар қишлоқда туғилиб, Парижда ўладилар, деган гапни Бернард Шоу айтган.

Бизнинг Ўзбекистонда ҳам шундай эди.

Бир умр вилоят марказларида яшаб ижод қилган Ўзбекистон халқ шоирлари Тўра Сулаймон, Охунжон Ҳакимов, Ҳабиб Саъдулла, ҳассос ижодкорлар Абдулҳаким Матназар, Садриддин Салим Бухорий, Алишер Ибодинов, Ўрозбой Абдураҳмоновлар бу “анъанани бузган” эдилар.

Лекин ижодий ҳаёт маконини биринчи бўлиб туман қадар кенгайтирган шоир Одил Ҳотам бўлади.

У қаламкашликни энг катта амал билиб, 40 йил бир жойда ва бир вазифада сабот билан ишлади. Умрининг охирига қадар Карманани севди, яхши кўрди, содиқ фарзанд бўлиб унинг қадим тарихи, бетакрор карманигийлари, бугунги шиддатли ҳаётини шеърга солди, достон қилди. Олис Карманада туриб “Тириклик шами”, “Нигоҳлар”, “Дала йўли”, “Нафас”, “Юксакдаги дарахт”, Қуёш сиёҳдони” каби китоблари билан юртдошларимиз қалбига йўл солди.

— Бу китобни ҳаётда — Одил, меҳр-муҳаббатда Ҳотам бўлган шоирнинг ижод кредоси сифатида ўқимоқ ва уқмоқ керак, — деган эди Ўзбекистон Қаҳрамони, мунаққид Иброҳим Ғафуров “Хирмон” китобининг тақдимот маросимида.

— Адабиётимизда ҳеч кимга ўхшамайдиган, ўхшаса — фақат ўзига ўхшайдиган шоирнинг катта “Хирмон”и билан шеърият мухлислари ва муҳибларини қутлайман! — деган эди таниқли адабиётшунос, профессор Қозоқбой Йўлдошев. — Китобдаги шеърлар рамзий маънода “Остона”, “Қалам”, “Камалак”, “Ишқнинг баҳор, қишлари”, “Қўналға”, “Хотира” ва “Ҳикмат” номи билан етти тимсолга иқлимлаштирилган. Шогирд Вафо Файзуллоҳнинг очқич сўзбошиси сизга қўлланма бўлади. Унинг кўмагида шу тилсимларни очсангиз, ҳаёт деб аталмиш жуда гўзал, айни пайтда жуда оғир, жуда узун ва жуда қисқа иқлимга кириб қоласиз — ўзингизни танийсиз. Аслида, Яратган томонидан ёзувчилик, шоирлик иқтидори билан сийланган яратиқнинг ижод қилишидан муроди ҳам шу. Одил Ҳотам бу китоби билан ўз мақсадига эришган, деб ҳисоблайман.

Тадбир 2023 йилнинг январида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг катта мажлислар залида бўлган эди.

Бутун ҳаёти давомидаги ижод маҳсулининг саралларини 700 бетлик “ХИРМОН” китобига жамлаб ўқувчиларига тақдим этган шоир осмонлардан қўл узатса ярашар эди. Лекин Одил ака ўша-ўша — камтар, камсуқум. Ҳатто қиш кунида шунча одамни овора қилиб қўйдим-да, дегандай хижолатда. Бир оёғини авайлаб босар, қандайдир титроқли ҳаяжонда эди. Кўпчилик олдида бу ҳақда гаплашишга имкон бўлмади. Энди ўқисам, ўзининг шу ҳолатини олдиндан шеър қилиб қўйган экан:

Даврон қоясида дол турар умрим,
Армон соясида қалтирар умрим.
Орзу қоясида ялтирар умрим,
...Кўксимга оғирлик қилар юрагим.

Бир кун ўтиб, Одил аканинг ўзи Карманадан қўнғироқ қилиб қолди:

— Узр-да! Сизларга яхши қаролмадим, одам кўп бўлди. Яхши етиб олдиларингизми?

Соғлиғини суриштирдим. Ўзим оёқ оғриғи деган бедаво дардни бошдан ўткарганим учун, “энди ўзимизни ҳам ўйлашимиз керак” қабилида маслаҳатлар бердим. Кунлар исиб кетганда учрашадиган бўлдик. Лекин бу охирги суҳбат бўлишини қаёқдан билибман?

Бугун Одил Ҳотам яқинларини, дўстларини, шеърсеварларни ташлаб кетган.

Аммо бир таскин бор.

Одил акадан унинг ўзи ёзганидай ЭҲТИЁЖ фарзанди бўлиб ЭЗГУЛИККА чорловчи НАЖОТКОР СЎЗ — ЯХШИ КИТОБлар қолди.

Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ХОРИЖ

НЕМИС ОАВ ВАКИЛЛАРИ МУЗОКАРАЛАРДАН ЧИҚАРИБ ЮБОРИЛДИ

Хитой пойтахти Пекин шаҳрида Германия Ташқи ишлар вазири Анналена Бербок ва унинг хитойлик ҳамкасби Ван И ўртасидаги музокаралар давомида немис журналистлари залдан чиқариб юборилган. Бу ҳақда “Handelsblatt” хабар берган.



“Германия Ташқи ишлар вазири Украинадаги уруш ҳақида гапира бошлаганида хавфсизлик хизмати вакиллари немис журналистларини Бербок нутқини якунлашига улгурмасдан залдан чиқишга мажбур қилган. Бу Хитойда яна такроран содир бўлмоқда ва очиқ танқидлар хуш кўрилмаслигини аниқ кўрсатмоқда”, дейилган хабарда.

Бу пайтда Германия Ташқи ишлар вазири Анналена Бербок Хитойни Россияга дронлар, қурол-яроғ ва бошқа ҳарбий воситалар етказишда ёрдам бераётганликда айблаган. Хитой Ташқи ишлар вазирлиги эса айбловларни рад этган. Бербокнинг сўзларига кўра, бундай ёрдам Европанинг асосий манфаатларига зарар етказмоқда.

“Бербок Хитойни Европа ҳамкори сифатида Украина масаласида фаол роль ўйнашига умид билдирган. Ван И эса Хитойнинг тинчлик ва музокараларни тарғиб қилиш орқали муаммони ҳал қилишга бўлган позициясини кенг ва тизимли баён қилди”, дейилган Хитой ТИВ баёнотида.

КАНАДА АҚШнинг 51-ШТАТИГА АЙЛАНАДИМИ?

АҚШнинг янги сайланган президенти Дональд Трамп Канада Бош вазири Жастин Трюдо билан учрашувда Оттава ноқонуний миграция ва гиёҳванд моддалар контрабандаси муаммосини ҳал қила олмаса, Канада АҚШнинг 51-штатига айланиши мумкинлиги билан таҳдид қилган. Бу ҳақда “Fox News” хабар берган.



Қайд этилишича, ўтган ҳафта сайланган президентнинг Мар-а-Лаго (Флорида) қароргоҳида бўлиб ўтган музокараларда Трамп Трюдога агар Оттава АҚШга Канада чегараси орқали ноқонуний муҳожирлар оқими билан боғлиқ вазиятни тубдан ўзгартира олмаса, шунингдек, ҳозирда 100 миллиард долларга яқин бўлган савдо камомадини камайтирмаса, ўзининг инаугурацияси куни, 2025 йил 20 январда барча Канада маҳсулотларига 25 фоиз импорт божлари жорий этишини айтган.

Ўз навбатида, Трюдо Америка маъмуриятининг бўлажак раҳбарига бундай чоралар Канада иқтисодини ўлдиришини таъкидлаган. Бунга Трамп Канада, эҳтимол, АҚШнинг 51-штатига айланиши мумкин, деб жавоб берган. Телеканалнинг таъкидлашича, бу ибора Канада Бош вазирининг асабий кулгисига сабаб бўлган.

ЖАРИМА УНДИРАДИГАН РОБОТЛАР

Қозоғистонда хусусий суд ижрочиларига ёрдам бериш учун робот ёрдамчиси жорий этилган. Бу ҳақда “24.kz” хабар берган. Унга кўра, лойиҳа жорий йилнинг февраль ойида Қозоғистоннинг Тараз шаҳрида синов тариқасида ишга туширилган ва ижобий натижалар берган.



Қайд этилишича, сунъий интеллект ҳозирда 20 МРПгача бўлган маъмурий жарималарни ундириш билан шуғулланади. Жарима аниқланганда, тизим автоматик равишда ижро процессини бошлайди ва ҳуқуқбузарга хабарнома юборади. Агар 30 кун ичида қарздор тўловни амалга оширмаса, робот унинг ҳисобини блоклаши ва пулларни автоматик равишда ечиб олиш имкониятига эга.

“Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, фуқаролар ҳар йили 5 миллиард тенгени тежашлари мумкин, чунки улар хусусий суд ижрочисига 25 фоиз комиссия тўламасдан тўловни амалга оширади. Ҳозирда 280 мингдан ортиқ ижро жараёни очилган ва 66 минг фуқаро жами 1,3 миллиард тенгени тўлаган”, деган Адлия вазирлигининг рақамлаштириш бўлими раҳбари ўринбосари Мурат Смагулов.

ҚИРҒИЗИСТОН МАКТАБЛАРИДА ТЕЛЕФОНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАҚИҚЛАНИШИ МУМКИН

Қирғизистон Таълим ва фан вазирлиги мактаб ва олий ўқув юртларида телефондан фойдаланишни тақиқлашни таклиф қилмоқда. Бу ҳақда “24.kg” хабар берган.



“Таълим ташкилотларида мобиль қурилмалардан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилган. Ҳужжатда мактаб ва олий ўқув юртларининг талабалари ва ходимлари таълим муассасаси биносига киришда ўз гаджетларини сукут режимига ўтказиши талаб қилиниши белгиланди. Талабалар мобиль қурилмаларини ўчириб, уни таълим масканларидаги белгиланган жойларда қолдириши керак бўлади. Телефондан фақат танаффус пайтида ёки фавқулодда ҳолатларда фойдаланиш мумкин. Телефонларни қувватлантириш ҳам тақиқланади.

Қайд этилишича, ишлаб чиқилган қоидалар ўқувчилар билим олишини янада яхшилаш, саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий-маърифий муҳитни яхшилаш, шунингдек, безорилик ва номақбул контент тарқалишининг олдини олишга қаратилган.

ЖОСУСЛИКДА АЙБЛАНГАН ЖУРНАЛИСТ

Хитой суди Япония ва АҚШ дипломатлари, олимлари ҳамда журналистлари билан мунтазам учрашиб келган журналистни жосусликда айбдор деб топиб, уни етти йил муддатга озодликдан маҳрум этган, деб хабар бермоқда “Reuters”.



Қайд этилишича, Хитой Коммунистик партия газетасининг собиқ муаллифи ва муҳаррири Дун Юйюйга Пекин халқ суди томонидан ҳукм ўқилган. Унинг оила аъзоларининг маълум қилишича, ҳукм судда ўқиб эшиттирилган, аммо Юйюйнинг адвокатлари эътиборига тақдим этилмаган.

Судланувчининг оиласи айбловни “мутлақо бемаънилик” деб атаб, журналистни мустақиллик учун интилгани ва чет эл давлатлари вакиллари билан алоқалари учун жазоламоқчи эканини таъкидлаган.

Маълум бўлишича, журналист АҚШ ва Япониядан бўлган фуқаролар билан доимий мулоқотда бўлган ҳамда ушбу мамлакатлар муассасалари билан илмий иш олиб борган.

Интернет маълумотлари асосида
Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

ТАДБИРКОРЛИККА ЎҚИТИШ ЛОЙИҲАЛАРИ

Тадбиркор ғоясини амалга ошириш орқали даромад олади, иш ўрни яратади, аҳолининг истеъмол маҳсулотларига бўлган талабини қондиради ва давлат ғазнасига ҳам ҳисса қўшади. Шу боис мамлакатда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга давлат даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш, тадбиркорлик фаолиятидаги муаммоларга ечим топиш мақсадида уларга кўмаклашувчи тузилмалар ташкил этилаётганининг ҳам боиси шу, аслида.

Куни кеча Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Бизнесни ривожлантириш банки”нинг тадбиркорликка ўқитиш лойиҳалари” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда банк Бошқаруви раҳбарияти, таркибий тузилмалар масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



Тадбирни “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Бошқарув раиси ўринбосари Ойбек Воҳидов очиб, сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан юртимизда банк соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилаётгани, хусусан, аҳолига таклиф этилаётган банк хизматлари қулай, ҳаммабоп, замон талабларига мослиги бу банклар орасида соғлом рақобат муҳити юзага келишига замин яратаётганини таъкидлади.

Маълумки, 2023 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–292-сонли Қарорига асосан “Қишлоқ қурилиш банк” негизида “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ ташкил этилган. Ўз навбатида, Президент томонидан илгари сурилаётган ташаббусларда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг саводхонлигини ошириш бўйича хорижий тажрибаларни татбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг Сурхондарё вилоятига ташрифида берилган топшириқлар бўйича тузилган йиғилиш баённомасида 2024 йилда вилоятда кичик бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш “менторлик” тизимини йўлга қўйиш ҳамда бу борада Япония тажрибаси жорий этилишини ташкил этиш вазифаси юклатилган эди.

Шунингдек, Президентнинг 2024 йил 7 сентябрдаги ПҚ–312-сонли қарорига асосан халқаро ва маҳаллий экспертларни жалб қилган ҳолда ўсиш ва ривожланиш салоҳиятига эга бўлган тадбиркорлар фаолиятига кўмак бериш ва ҳамроҳлик қилиш бўйича менторлар ёки етакчи тадбиркорлар гуруҳини шакллантириш, бунда йил якунига қадар 24 та менторлар фаолиятини йўлга қўйиш топшириқлари берилган.

Топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида 2024 йил 7 март куни банк, жамғарма ҳамда Ямагата университети ўқув маркази томонидан шартномалар тузилган.

Шартнома 3 босқичда амалга оширилиши белгиланган:

1-босқич: Инновацион бизнесни бошлаш дастурини ишлаб чиқиш;

2-босқич: Тадбиркорларни онлайн, офлайн тарзда ўқитиш, менторларни саралаш ва тайёрлаш дастури;

3-босқич: Банк ходимларини ўқитиш.

Шартномага кўра, Ямагата университети профессорлари томонидан 17 турдаги видеоматериаллар, 16 та презентация ва 50 та саволдан таркиб топган тест саволлари дастури ишлаб чиқилган. Университет профессорлари республиканинг турли ҳудудларида бўлиб, тадбиркорлар билан учрашишди.

150 нафар фаол тадбиркорлар билан ўқув курслари ҳам ташкил этилди.

Ўқув курслари Япониянинг “u-hope” дастурини ўз ичига олган бўлиб, бунда Ямагата университетининг профессорлари томонидан тайёрланган 10 турдаги видеоролик шаклида дарслик ҳамда 6 та турдаги “кейс амалиёт”ларини ўз ичига олган.

Бугунги кунда ушбу ўқув дастурига тадбиркорлар томонидан қизиқишлар ортиб бормоқда. Ҳозирда дастурга 11 минг нафардан ортиқ тадбиркорлар қизиқиш билдирганлиги, 2 минг нафардан ортиқ ўқиш жараёнлари бошланганлиги, 500 нафарга яқин тадбиркорлар сертификат эгалари бўлганлигининг ўзиёқ амалий натижалар фаол тарзда кетаётганини кўрсатади.

Япония томони мутахассислари ўқув дастурлари жараёнида муваффақиятли қатнашган тингловчилардан 24 нафар менторларни саралаб олишган. Саралланган тингловчилар дастлаб Ўзбекистонда кейинги навбатда Японияниг Ямагата университетида ўз малакасини ошириб, халқаро сертификатга эга бўлишди. Ўз ўрнида, менторларнинг Японияга сафари билан боғлиқ харажатлар Марказлар томонидан қоплаб берилди, шунингдек, ўзаро тузилган шартномаларга асосан ҳар бир ментор томонидан жами 296 нафар тренерларни тайёрлаш мажбурияти юклатилган.

Шунингдек, барча менторлар томонидан ўқув дастурлари ва ўқитиш режа графиклари ишлаб чиқилган ҳамда марказлар томонидан тасдиқланган.

Жорий йилнинг 18 ноябридан бошлаб барча ҳудудларда тренерларни ўқитиш жараёнлари бошлаб юборилган бўлиб, ўқув жараёнлари офлайн ва онлайн шаклда амалга оширилмоқда. Бунда, жараёнларни ёритиш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Дастлабки ўқув курслари якунида 300 нафарга яқин номзодларга сертификатлар тақдим этилади ва уларга тадбиркорлик фаолияти учун имтиёзлар берилиши таъминланади. Албатта, бу соҳада менторлар ва тренерлар томонидан келгусида ишлар давом эттирилиши, тадбиркорлар учун ўз қизиқишларидан келиб чиқиб, кенгайтирилган аудиторияларда ўқишлар ташкил этиш режалаштирилган.

Матбуот анжумани якунида оммавий ахборот воситалари вакиллари мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Ислом ЭГАМБЕРДИ ўғли,
“Hurriyat” мухбири.





Реклама ҳуқуқи асосида

ҚУТЛОВ



Хизматлар лицензияланган.

МУТОЛАА

Форс адабиёти тарихан ўзбек адабиёти билан муштарак илдизларга эга. Шунинг учун ҳам халқимиз форс қаламкашларининг асарларини севиб мутолаа қилади. Яқинда “Янги аср авлоди” нашриётида чоп этилган Муҳаммад Козим Мазиноний қаламига мансуб “Сўнгги (ш)оҳ” романи ҳам ўзбек китобхонларини бефарқ қолдирмагани айни ҳақиқат. Замонавий форс адабиётининг забардаст вакили, шоир, носир ва тарихнавис Муҳаммад Козим Мазинонийнинг ушбу тарихий биографик романи илк бор ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилгани, том маънода, катта адабий ҳодисадир.

“ШОҲИ БИ ШИН” — “СЎНГГИ (Ш)ОҲ”

(ёки Муҳаммад Козим Мазинонийнинг шу номли романи бўйича мулоҳазалар)

Романни она тилимизга рус тилидан таниқли олим ва журналист, адиб ва таржимон Хуршид Дўстмуҳаммад маҳорат билан таржима қилган.

Ўзбек адабиётшунослари Хуршид Дўстмуҳаммаднинг таржимонлик маҳоратига юқори баҳо беришлари бежиз эмас. Гарчи мутаржим камтаринлик билан: “Аслида, таржимага зўр бермаганман. Ўзимга ёққан асарларни ўзбекчалаштирганман, холос”, — дея таъкидласа ҳам, унинг таржимасидаги дурдона асарлар бугунги кунда халқимизнинг қалби ва шууридан жой олиб улгурган.

Акутагава Рюноскэ (Япония), Александр Левковский (АҚШ), Игнасий Альдекоа (Чили), Франц Кафка (Австрия), Темур Пўлатов (Россия) каби жаҳон адабиёти намояндалари қаламига мансуб асарлар, шунингдек, эстон, грузин, белорус адибларининг ҳикоялари Хуршид Дўстмуҳаммад томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Хуршид Дўстмуҳаммад эронлик ёзувчи Муҳаммад Козим Мазинонийнинг “Сўнгги (ш)оҳ” романини ҳам юксак савия ва дид билан таржима қилган. Роман номининг ўзи таржимоннинг сўз заргари эканини кўрсатиб турибди. Дарҳақиқат, романни “Сўнгги шоҳ” деб ҳам, мазмунидан келиб чиқиб, “Сўнгги оҳ” деб ҳам номласа бўлади.

Ушбу тарихий биографик романда Миср шифохоналарининг бирида саратон касаллигидан вафот этган Шоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавий ҳаётининг сўнгги кунлари ёритиб берилган. Паҳлавийлар сулоласининг сўнгги шоҳи Муҳаммад Ризо 1978-1979 йилларда содир бўлган Эрон ислом инқилоби натижасида тахтдан ағдарилган.

Сюжетига кўра, роман шоҳ ва унинг рафиқаси ўртасидаги мулоқотдан иборат бўлиб, китобхон дастлаб уни ким ҳикоя қилиб бераётганини сезмайди. Чунки ёзувчи роман воқеаларини турли хил нуқтаи назардан моҳирона тасвирлаб бера олган.

Романнинг асосий бадиийлик мезонлари, ёзувчининг ўзига хос услуби ва маҳорати, асарнинг ғоявий-бадиий ва эстетик қиймати ҳақида тўхталамиз.

Муаллиф макон ва замондаги ўзаро муносабатларни, бошқача айтганда, замон ва маконнинг ўзаро боғлиқлигини бадиий асар орқали кўрсатиб берган. Тарихий роман ҳақида сўз борганда асардаги воқелик билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларни, яъни бадиий тўқима билан асл ҳақиқат ўртасидаги ўзаро алоқадор жиҳатларни, тарихий ҳақиқат ва адабий жараён ҳамда реал воқеликни рамзий маънога айлантиришнинг ечимини топиш керак бўлади.

“Шоҳи би шин” — “Сўнгги (ш)оҳ” романининг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқсак.

Мазиноний тарихий биографик романининг биринчи хусусияти — унда жуда катта тарихий давр қамраб олинганидадир. Адиб роман қаҳрамонларининг ҳаёт йўли мамлакат тарихи ва халқ тақдирида муҳим аҳамиятга эга бўлганини очиб берган. Албатта, ушбу катта даврни бадиий асарда маҳорат билан тасвирлаб берган ёзувчининг истеъдодига қойил қолмасликнинг иложи йўқ.

Романнинг иккинчи хусусияти шундан иборатки, адиб сўнгги Эрон шоҳининг шахсига унинг тарихий хусусиятидан қатъи назар ижодий ёндашиб, мамлакат ҳукмдорининг таржимаи ҳолини маълум бир объектив ва субъектив сабабларга кўра бадиий тўқима билан уйғунлаштирган.

Романнинг учинчи хусусияти шундаки, асар воқеалари шифохонадаги жарроҳлик амалиёти жараёнларини аслича ёритишдан бошланган. Жарроҳлик амалиётидан сўнг ҳушига келган Шоҳнинг хотирасида ҳаётининг қора кунлари, яъни саройни ташлаб кетишга мажбур бўлгани ҳамда Ватанидан қувғин қилингани гавдаланади. Роман шундай ёзилганки, Шоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавийнинг ҳаётидаги воқеалар унинг ўзига ташқи томондан кўрсатилаётгандек тасаввур ҳосил қилади. Асардаги воқеликнинг бир маромда давом этиши, жарроҳлик амалиётидан сўнг Шоҳда тўсатдан бошланган қаттиқ оғриқ туфайли узилиб қолади ва ҳамшира қизнинг уни парвариш қилаётгани тасвирланади.

Мазиноний романидаги тўртинчи хусусият — бу одатий тасвирлаш усулининг қўлланишидир. Тузалмас дарддан умри тугаб бораётган Шоҳ хотирасида унинг босиб ўтган ҳаёт йўли тартибли равишда қайтадан жонланади. Аммо ёзувчи воқеаларни ёритишда қўллайдиган усулнинг ўзига хослиги шундаки, ҳар бир тарихий жараёндан сўнг Шоҳнинг умр йўлдоши Фараҳ билан суҳбатлари баён қилинади. Бир қарашда ушбу суҳбатлар лирик чекиниш бўлиб кўринса-да, аслида, роман сюжетининг бир маромда кетишини таъминлаган.

Романнинг бешинчи хусусияти шундаки, мулоқотлар воситасида бир томондан, Ризо Шоҳ ва оиласи ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинса, иккинчи томондан, муаллифнинг шахсий ҳаётидаги маълумотлар ошкор этилади. Таъкидлаш лозимки, биографик романларда бундай усулни қўллаш камёб ҳодисадир. Сўзимизнинг исботи сифатида романдан олинган қуйидаги мисолларни келтирамиз: “Оҳ, тождорим отам! Нақадар бахтли эдинг, мен каби қалб, юрак аталмиш дахмазаларга боғланиб қолган жойинг йўқ эди; ҳатто дарахтнинг тепасига чиқиб олиб онамнинг этакларига тут қоқиб тушираётган онларда ҳам бу сингари нозик туйғулардан қизларнинг иффати ҳайвоний ҳирс-туйғулар учун топталадиган, завқ олиш ва ўйин-кулги учун бақувват ва келишган ўсмирларнинг бичилиши амалга ошадиган жойдир.

Романнинг тўққизинчи хусусияти шундан иборатки, бунда шифохона палатаси ғайриодатий тарзда, яъни турма ёки жазони ўташ жойига ёхуд ўзининг бутун ҳаёт йўлини ҳамда йўл қўйган хатоларини қайтадан мулоҳаза қилиш учун махсус яратилган тинч жой “ёпиқ макон” сифатида тасвирланади: “... Тағин бир ўзинг ёлғиз қолдинг, яна дераза, унинг ортидаги қушлар, темир каравот, тинчликни сақлаш ниятида йўлагига гиламлар тўшалган касалхона” .


Сарой ва шифохона — бир-биридан тубдан фарқ қилса-да, иккаласи ҳам моҳиятига кўра ёпиқ маскан ҳисобланади. Фақат бирида ҳаёт қайнайди, иккинчисида сокинлик ҳукмрон. Нил дарёси романда жуда ҳам кўп марта тилга олинади. Нил — бу тозалик рамзи, гуноҳларни покловчи, ўз оқими билан ҳамма ёмон нарсаларни оқизадиган, хотирада бахтли дамларни уйғотувчи, эркинлик ва кенглик рамзидир.

давр ва макон ўзининг муайян мақсади ва эстетик мазмунини намоён этади.

Муҳаммад Козим Мазиноний “Сўнгги (ш)оҳ” романининг таржимаси кўплаб ҳароратли-ижобий таассурот қолдиради.

Биринчи ижобий таассурот шундан иборатки, роман шоирона тилда баён этилади. Таржима учун Хуршид Дўстмуҳаммадга ўз миннатдорчилигимни билдираман: ўқиш жуда осон ва қизиқарли. Ноодатий усул қўлланилган: асарда қаҳрамонга “сен” деб мурожаат қилинганини энди учратишим.

Романда 1978-1979 йилларда Эронда бўлиб ўтган Ислом инқилоби натижасида тахтдан ағдарилган сўнгги Шоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавий ҳаёти ёритиб берилган. Асардаги барча воқеалар тахтдан ағдарилган Шоҳнинг ҳиссий идроки орқали тасвирланади. Асарни қизиқиб ўқийсиз ва сизда шундай савол туғилади: мустақил қарорлар қабул қилишга қодир, билимдон, ислоҳотларга йўл очиб, отасининг мамлакатни модернизациялаш сиёсатини давом эттирган шундай инсон икки ярим минг йил Шоҳлар бошқарган мамлакатда инқилоб бўлишига қандай қилиб йўл қўйиб берди?



мият, пул ва маъмурият билан боғлиқ мураккаб ва мунозарали мавзуни янада чуқурроқ ўрганишга ундайдиган жуда кўзга кўринган шахс образини яратишга интилган. Роман фожиали воқеаларга бой бўлса-да, ўқишли бўлиб, қийин ва мураккаб мавзу яхши ёритиб берилган, шунинг учун халқи ўз шоҳини ҳайдаган мамлакатнинг ўша даврдаги ҳаёти ҳақида тасаввур қилиш мумкин бўлади.

Ҳайрон қолиш мумкин. Замонавий Эрон ёзувчиси Муҳаммад Козим Мазиноний ҳақида интернетдан ўзбек тилида ҳеч қандай маълумот топа олмайсиз. Шунинг учун роман матнидаги унинг таржимаи ҳолига тегишли бўлаги билан танишасиз, холос. У унча бой бўлмаган оилада туғилган, отаси Эрондаги ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан қамоққа олинган ва қамоқда унинг бармоқларини синдиришган, шунинг учун у сиёсий бошқарув тартиботи алмашиши тарафдори бўлган. Мен, масалан ҳеч қачон Эронга бормаганман. Эрон тўғрисидаги маълумотларни фақат расмлардан, ҳужжатли кўрсатувлар ва матнлардан ўрганганман. Аммо сўнгги Эрон шоҳининг тақдири ва шахси ҳақидаги тасаввуримиз бир-бирига мос келди.

Мазиноний биографик роман учун мумтоз тузилмани танлади — ҳаётнинг сўнгги кунлари ва унинг кўз ўнгида намоён бўлувчи бутун бир ҳаёт. Бу романдаги янгилик эса шоҳ ва унинг хотини билан бўлган мулоқотлар ҳамда ўзининг тақдири билан уларнинг тақдирининг қўшилиб кетиши. Буюк шахслар тарихни яратади. Улар билан бир занжирга боғланган оддий одамларни эса ўлим ҳам ажрата олмайди.

Мазиноний фактларга эҳтиётккорлик, ҳатто нозик тарзда ёндашгани кўриниб турибди. Баъзи бир жойлари Фараҳ интервьюсидан олиб романга жойлаштирилган. Аммо унинг мазмунига қойил қолмай иложи йўқ.

Менимча, Мазиноний монарх шахсининг моҳиятини тўлиқ англаб етиши учун барча воситалардан фойдаланган. Ҳақиқатан ҳам унинг туришида шоҳона улуғворлик, совуқ нигоҳ ва донолик ёғилиб турибди. Унда шафқатсизлик, ҳийлагарлик ва қўполликдан асар ҳам йўқ, балки ўзига ишонч, хотиржамлик, бундай одамларда бўлмаслиги керак бўлган мулойимликни кўрамиз.

Аммо баъзи бир фактлар бундай идрок этишга зиддир. Жуда ҳам мураккаб, жуда ҳам қизиқарли образ. Фараҳ образи эса ажойиб тарзда яратилган. У кучли, ёркин ва доно аёл образидир. Қайсидир даражада ўз эридан ҳам донороқ. Ҳақиқатан ҳам ушбу роман шарқона ва шоирона қилиб яратилган халқ ундан юз ўгирган ҳукмдорнинг армонли тарихини ҳикоя қилади. Замонавий эронлик ёзувчи Муҳаммад Козим Мазинонийнинг яна бир романи “Саларлар сўнггиси” деб номланиб, бир оила мисолида барча илдизлари билан ўз мамлакати тарихи билан чамбарчас боғланган, ўтмишидан, келажагидан ажралмаган ҳолда ўтмишга ботган дунёнинг кенг кўламли, ранг-баранг ва жонли манзарасини яратади. Бу Саларлар оиласи тарихи бўлиб, улар Қожарлар сулоласи вакили бўлиб Эрон давлатида бир ярим аср ҳукмронлик қилиб, сўнг тахтни ўзини Шоҳ деб эълон қилган Паҳлавийга топширган. Юқорида кўрганимиздек, Ислом инқилоби натижасида Паҳлавийлар ҳам тахтдан ағдарилади. Энди эса зодагон оиланинг сўнгги фарзанди ўз ҳаётини ва ўзи туғилгунига қадар содир бўлган воқеаларни фақат бобосининг ҳикоялари орқалигина билиши мумкин бўлади...

Мухтасар айтганда, роман жуда катта тарих саҳифасидан сўзлайди. Уни ўқиб, уқиб, ибратли хулоса чиқарган китобхон эса тафаккур пиллапояларидан яна бир поғона юксакка кўтарилиши шубҳасиз.

Акмал САИДОВ,
академик.

ЁШЛАР ИЖОДИ

Чарос ТУРДИЕВА

Синовдан иборат бу кўҳна дунё



Чарос ТУРДИЕВА — 1994 йилда Қамаши туманидаги Чорвадор қишлоғида туғилган. Қарши давлат университетини тамомлаган. Айни пайтда Қашқадарё вилояти Қамаши туманининг 83-мактабида мусиқа муаллимаси.

“Маърифат улашиб” учрашувида Чарос ўз шеърларидан ўқиб қолди. Шеърларини тинглаб, хурсанд бўлдим. Ёш шоирадаги изланишлар, мавзуга янгича ёндашиш, янги фикр айтиш истаги менга маъқул бўлди.

Албатта, Чарос ҳали кўп ўқиб-ўрганиши керак. Шеърият, бу — узлуксиз меҳнат эканини, тинимсиз изланишлардан иборатлигини унутмаслиги лозим.

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

МЕН НЕГА ЙИҒЛАЙИН...

Мен нега йиғлайин, қилган хатойим —
Ор-у номусим пок сақлаганимми?
Ёхуд ғуруримни дилимга тугиб,
Фарзандлик шаънини оқлаганимми?

Мен нега йиғлайин? Ёки шўх еллар
Бахтимни қўлимдан олдими тортиб?
Армонларни солиб қўйиб кўнглимга,
Орзуларим олиб кетдими қайтиб?

Мен нега йиғлайин? Ҳаёт дегани
Битта қоқилишдан қолгайми тугаб?
Ёки Аллоҳ берган бир ҳовуч умр
Беҳуда кетдими девордек нураб?

Мен нега йиғлайин — борми, одамлар,
Кўз ёшларим дарё қилмоққа сабаб?
Интилдим, изландим, изланаяпман,
Бахтиёр кунларга қолар деб яраб...

КИТОБ ОЛИБ КЕЛДИМ...

Гарчи гўдакдурман, ақли тўлмаган,
Энди мактаб кўрган, дунё кўрмаган,
Ҳали йўллар кўпдир боланг юрмаган,
Илк бор китоб олдим сен учун, Она!

Оғрисам бошимда парвона бўлдинг,
Тунлари дили ҳам вайрона бўлдинг,
Менинг бахтим учун йиғладинг, кулдинг,
Битта китоб олдим сен учун, Она!

Рўзғорнинг ишларин бир четга суриб,
Қадрингни ҳар недан юксакда кўриб,
Турибман қошингда, Она, бош уриб,
Ўқи! Китоб олдим сен учун, Она!

Дўконларга кирдим совға ахтариб,
Лек меҳринг олдида дунё ҳам ғариб.
Сени болаликка бир бор қайтариб,
Қара! Китоб олдим сен учун, Она!

Олтин, зар сочолмам бошингдан ҳали,
Олтиндан азиздир кўнгил гавҳари.
Ўзинг буюк зотсан, умр заргари,
Ажиб китоб олдим сен учун, Она!

Буни оддий китоб демагин сира,
Ичи болажонинг меҳрига тўла,
Азиз авлиёлар умрини тилаб,
Сенга китоб олдим байрамга, ОНА!

ИЛК БОР ҚАДАМ ҚЎЙДИМ...

Навоий, Бобурни ўқидим, уқдим:
Шоирлар куйларкан дард ила ғамни.
Шоирларга бўлган муҳаббат билан
Қўйдим шеъриятга илк бор қадамни.

Зулфия қалбини забт этган севги
Тутқазди қўлимга нурли қаламни.
Ва дўстлар дардини жимгина тинглаб,
Қўйдим шеъриятга илк бор қадамни.

Ғафур Ғулом битган “Соғиниш”да мен
Кўрдим ўзбекона қайғу-аламни.
Шоир ҳаётидан олдим хулоса,
Қўйдим шеъриятга илк бор қадамни.

Олти ой ижоддан кетиб Абдулла,
Куйламай қўйганда гулдай санамни,
Карокатлар қилган дўстларин ўқиб,
Қўйдим шеъриятга илк бор қадамни.

Мағрур ва камтарлик баҳсида ҳар гал,
Кўрдим Эркин Воҳид — асл ҳакамни.
Мисралари билан яшаб ҳаётим,
Қўйдим шеъриятга илк бор қадамни.

Бир сандиқ китоб-у, уюм тупроқ-чун,
Бахшида айлаган ҳар лаҳза, дамни,
Муҳаммаднинг мангу ҳаёти сабаб,
Қўйдим шеъриятга илк бор қадамни.

Айтсам адо бўлмас шоирлар сўзи,
Шеърларида пинҳон иқбол, ситамни.
Мен ҳам шоирлардек куйлайман дея,
Қўйдим шеъриятга илк бор қадамни!

ФУРСАТ

Ким қандай яшаса ўзники ҳаёт,
Ҳеч ким мажбур эмас қаср қуришга.
Ахир бу беш кунлик умрни Аллоҳ
Бераркан маъноли даврон суришга.

Ким қандай яшаса ўзники ҳаёт,
Инсон яралмайди мангу қолишга.
Фақат яхши ишлар яшайди абад,
Фурсат бериларкан ибрат олишга.

Ким қандай яшаса ўзники ҳаёт,
Мол-дунё, олтин, зар ўткинчи бари.
Синовдан иборат бу кўҳна дунё,
Бахтни ҳам бераркан армон сингари.

Ким қандай яшаса ўзники ҳаёт,
Тирноққа зор бўлиб ўтганлар қанча.
Гуноҳин англамай бегуноҳ дилни
Азоб, уқубатга тутганлар қанча!

Ким қандай яшаса ўзники ҳаёт,
Ҳаммамиз дунёга бўламиз меҳмон.
Умр оқар дарё, ғанимат одам,
Қадрлаб фурсатни яша, эй Инсон!

Ким қандай яшаса ўзники ҳаёт...

ТААССУРОТ

ТЕАТРГА БОРДИМ. СИЗ-ЧИ?

Инсон ўз хатоси, камчилигини тан олишни ҳам билиши керак. Минг афсус, бу масалада кўпчилигимиз оқсаймиз. Бунинг устига, тўрт томондан мақтовлар ёғилиб турса... Ахир камчиликсиз киши, хатосиз иш бўлмайди, дейдилар. “Беайб парвардигор”, деган гапни такрор-такрор эшитганмиз. Бу сўзларни ёзишимдан мақсад бор. У ҳам бўлса, шахсан ўзим бир хатомни тан олишдир. Аниқроғи, анча давр мобайнида театрга бормаганим, яхшими, ёмонми, ўртачами, ишқилиб яратилаётган саҳна асарларини кўришдан узоқлашганимни айтиб қўймоқчиман. Ахир жадид боболаримиз, Беҳбудий домла-ю Ҳамзадай буюклар ўз айтар сўзларини халққа театр орқали айтганларидан хабардор одам театрдан узоқлашиб юрса, турмушнинг икир-чикирлари билан банд бўлиб, олдидаги театрга бориб, саҳна асарларини кўришни унутиб қўйса бошқалардан хафа бўлиши мумкинми?!



Театр ҳақида гап кетса, болалик йилларим эсимга тушади. Қўқондаги Ҳамза номли театрнинг кўплаб саҳна асарлари қишлоғимиз клубида тез-тез намойиш қилинарди. Саҳнаям саҳна эди-да. Бир эшиги ёпилса, иккинчиси очилиб кетарди. Энди ўша актёрларнинг азобларини кўз олдимга келтиряпман. Гоголнинг “Уйланиш” спектаклидан тортиб, ўзбек драматургларининг кўплаб асарларини ўша клуб саҳнасида кўрганман. Ҳозир у клублар савдо дўконларига айланиб кетган...

Қўқон театрида пойтахтдаги отахон театрда фаолият юритган актёрлардан қолишмайдиган санъаткорлар фаолият юритган, деган хулосага келганман. Ўзбекистон халқ артистлари Занжирали Мирзатов, Рашидхон Содиқов ва Мадаминжон Жўраевларнинг бир-биридан ёрқин ижроларини кўрганимга ҳам 55 йилдан ошибди. Уларнинг ҳар бири саҳнани муқаддас деб билган ҳақиқий ижодкорлар эди. Ишонмасангиз, телевидение фондида сақланаётган бўлса, Саид Аҳмаднинг “Уфқ” романи асосида саҳналаштирилган асарни кўришингиз мумкин. Кузнинг изғиринли ва қиш кунларида ҳам театр жамоаси қишлоғимизга гастролга келиб қоларди. Ўша кунлари кўпчилигимиз учун байрам бўлар, клубда қўйилган ҳар бир саҳна асари эсдан чиқмас хотирага айланганди...

Тошкентга келгач, талабалик даврида Шукур Бурҳондек буюк инсонни кўрмоқ мақсадида “Қиёмат қарз” спектаклига уч маротаба кириб ҳаяжонланганларим, “Мен Чилига ишонаман” спектакли орқали театр кучи қай даражада эканлигини билганларим, “Ғариблар” асарини кўргач, бир неча кун ўйланиб юрган кунларим ҳам ортда қолди. Олим Хўжаев, Сора Эшонтўраевадай забардаст санъаткорлар маҳорати театр оламидан узоқ одамларни ҳам ҳайратга солганлигини кўрганман, кузатганман. Кейинчалик бир неча йил театрдан узоқлашиб кетибман. Менга ўхшаганлар кўп бўлса керак, деб ўзимни овутгандек ҳам бўламан. Йиллар давомида борйўғи 5-6 спектаклни кўрганман, холос.

Кейинги 2-3 йилда таниқли адиб, шоир ва драматург Қўчқор Норқобил асарлари отахон театр қатори бошқа театрларда ҳам кетма-кет қўйила бошланди. Бир балоси бўлмаса... Ўша бир “бало”ни яқинда билдим. Тўғриси, Муқимий номидаги театрга бориб, ҳаммасини ўз кўзим билан кўрдим. Ҳамроҳим – таниқли журналист Аҳрор Аҳмедов.

Армонсиз инсон йўқ. Қоракўллик Тўхтамурод домлани яхши кўриб қолгандим. Унинг мактаб очганлигидан, ўқувчилари эришган ютуқлардан ҳам хабардор бўлганман. Бир неча йил аввал шифохонада қисқа муддат даволанишга тўғри келди. Бир кун кечқурун уч нафар оқ халатли, гап-сўзидан “бўладиган бола”га ўхшаб турган талабалар билан суҳбатлашиб қолдим:

— Қаерликсиз, дўхтир болалар?

— Қоракўлданмиз.

— Бўлмаса, бир-икки саволим бор.

— Сўранг, ака.

— Жумаев домлани танийсизларми?

— Шогирдларимиз. Шунинг учун ҳаммамиз грантга ўқишга кирганмиз.

— Устозларинг вазир, казо-казоларнинг фарзандларини, ҳатто ўз неварасини ҳам имтиҳондан ўтмагани учун мактабларингга қабул қилмаганмиш, қизи отаси билан аразлашиб, бир неча йил гаплашмай юрган, деб эшитганман. Шу гаплар ростми ё биз ўрганиб қолган ёлғон тўқималарми?

— Иби, нима деяпсиз? Ҳаммаси тўғри. Интернат-мактабимиз учун домла ҳатто миниб юрган машинасини ҳам сотиб юборган. Мактабимизга фақат билимли, ўқийман деган болалар қабул қилинган.

“Бўладиган бола”лар билан суҳбатимиз шу ерда тугаганди. Ўша куни Тўхтамурод домла билан насиб этса, албатта, суҳбатлашаман, деб ният қилгандим. Аммо домланинг ҳаётдан кўз юмганлигини эшитган куним “бу ҳам бир армонга айланди”, деб афсус, нодамат чекканман.

Лекин орзу-армоним ушалди. Жумаев домлани театрга бориб кўрдим. Салкам икки соат оралиғида унинг дардига шерик бўлдим, мактаб очаман, деб елиб-югурган устоз азобларини кузатдим. Бир-икки жойда кўзим ёшланди. Буниси кексалик аломати, дегандай бўлдим. Лекин қаҳри қаттиқлар ҳам йиғлайдиган саҳналар бор спектаклда. Ўзимча унга “миллат қаҳрамони” деб баҳо бергандим. Ўша қаҳрамонимни ҳаётда бўлмаса ҳам, саҳнада кўрдим.

Спектакль бош қаҳрамонининг сўзлари:

— Халқ ҳам, Ватан ҳам кимларнингдир зуғуми остида ириб-чириб ётмаслиги керак, биласанми? Бизнинг Ватанимизни билимли авлод қутқаради, бунинг учун етук мактаблар керак, ана шундагина бизлар оёқ остида қолиб кетмаймиз.

Спектакль охиридаги Тўхтамурод домланинг монологи томоша залини ларзага солади. Ўз ролини маҳорат билан ижро этган Меҳмонали Салимов, Масъуда Отажонова ва барча актёрларга миннатдорлик қарсаклари тинмайди. Саҳна асарининг юки деган гап бор. “Бизга мактаб керак ёхуд замон Авлонийси” асарининг юки жуда оғир. Ҳар бир актёр ана шу юкни ҳис қилган ҳолда ўз ролини ишончли талқин этган. Хуллас, бу спектаклни кўргач, ўйлайсиз, ўйланасиз, ҳақиқий саҳна асарининг кучини кўрасиз. Драматург Қоракўлга бекорга бормаганлигига амин бўласиз. Иқтидорли ижодкор юрагидаги дардларни саҳнага олиб чиққан. Театрнинг ёшгина бош режиссёри Достон Ҳақбердиев драматургнинг айтар гапларини тушунган. Икки ижодкорнинг бир-бирини тушуниши ўз самарасини берган.

Ўша куни Сирдарёдан бир автобусда ўқитувчилар, ўқувчилар келишибди. Эртасига “Мен театрга бордим”, деб номланган мақола ёзмоқчи бўлдим. Ёзолмадим. Чунки гуноҳим бор. Қоракўл қочиб кетибдими? Спектаклни кўрдим-ку, деб ўзимни овутдим. Лекин бир гапни айтмасам бўлмас.

Ҳали Тўхтамурод Жумаев домланинг азобли кунлари эсимдан чиқмай турганда, куни кеча Қўчқор укам қўнғироқ қилиб қолди:

— Ака, Муқимий театрида яна бир асарим қўйилди. Вақтингиз бўлса, ўтарсизлар.

— Албатта борамиз!

Бордик, бу гал сафимизга қўқонлик ёзувчи дўстимиз Носир Зоҳид ҳам қўшилди.

Куз эмасми, бироз ёққан ёмғир ўз кучини кўрсатгандай, ҳаво топ-тоза туюлди менга. Тарихий театр олдидаги ёзувларни ўқийман: “Осмон ҳамма гапни эшитади”. Қўчқор ҳам қисқароқ қилиб, асарини бир сўз билан номлаб қўяқолса бўлмасмикан? Хотираси бутунлар эслаб қолаверади. Бизларни ҳам ўйланг, иним! Шундай телба-тескари ўйларга ҳам бордим.

Энди янги драма ҳақида. Юқорида ёзганимдай: “Осмон ҳамма гапни эшитади”... Асар номи гўёки томошабинни ўзига жалб қилиш, жарангдорлик касб этиши учун атайлаб шундай қўйилган бўлса керак, деган фикрга борасиз. Шошилманг, спектаклни кўргач, бу адибнинг юрагидан отилиб чиққан нидо эканлигига ишонч ҳосил қиласиз! Осмон ҳамма гапни эшитяпти. Аммо биз, ердагилар-чи? Билиб, эшитмаганга солаётганлар қанча? Гап шунда!

Шу барчага баробар осмон остидаги одамлар: мен, сиз, у қандай яшаяпти? Асар бош қаҳрамони Мўмин афғон уруши қатнашчиси. Ногирон бўлиб қайтганлардан бири. Айрим кимсалар унинг исмига “контуж” сўзини ҳам қўшиб айтишади. Уни, уруш жароҳати камлик қилгандай, фарзандсизлик азоби ҳам эзади. Ягона илинжи гўзал тоғ табиатини асраб қолиш... Ўрмон яратиш... Қарз-қавола билан бўлса ҳам у ҳар куни ўзи яшаётган худуд, тоққа яқин жойда кўчат экиш билан андармон. Бироқ ўз кунини кўраётган, ўзи тайёрлаган лойиҳа бўйича (урушдан олдин у архитектура институтида икки йил таҳсил олган) сайёҳлик мажмуаси яратишни ният қилган Мўминга айрим маҳаллий тўралар тинчлик беришмайди. Қандай қилиб дейсизми? Буни спектаклни томоша қилиш жараёнида билиб оласиз... Унинг азобларини биргама-бирга кўтаришга аҳд қилган Ольга ҳам минг азоб ўтида қовурилади. Унинг айби нима? Бу гўзал қизнинг умри “контуж” билан ўтаяпти.



Асар бош қаҳрамони инсониятни босиб келаётган хатардан сақламоқчи. Она табиатни асрамоқчи! Шу мақсадда ҳеч нарсадан қайтмайди. Курашади. Ўз лойиҳасини маҳаллий очкўз ва ноинсоф кимсалардан бири ўзлаштириб, ўзиники қилиб олганини билиб қолгач, унинг кураши янади авжга чиқади. Бир неча бор юқори идораларга хат жўнатади, пойтахтга боради, алалоқибат ғолиб чиқади. Шундай экан, аслида ким жинни? Фақат ўзини ўйлайдиган, ҳаётини ёлғон остига қурган ҳоким ва унинг гумаштали жинни эмасми? Ҳокимнинг “дум”ларидан тортиб, маҳалла раиси ва пойтахтдан борган олифталар жинни эмасми? Саҳнадан: “Одамлар, кўзингизни очинг!” деган ҳайқириқ келади. Режиссёр Достон Ҳақбердиев бошчилигидаги актёрлар жамоаси ҳаёт ҳақиқатини моҳирлик билан саҳнага кўчиришган. Истеъдодли бастакор Ойдин Абдуллаеванинг асар руҳияти, зиддиятлар ва кескин қарама-қаршиликларга мос ҳолда яратган мусиқалари драманинг янада таъсирчанлиги ошишига хизмат қилган.

Спектаклдаги бош қаҳрамон ролини талқин этган актёр Умид Шодмоновнинг ролларини кўп кўрганман. Лекин уни қайтадан кашф қилдим. Гўзал Ольга образини қойилмақом қилиб ижро этган актриса Инобат Умированинг маҳорати томошабинлар қалбида чексиз ҳайрат уйғотгани шубҳасиз. Умид ҳам, Инобат ҳам спектакль давомида ўз образлари ичида яшагани, ўз қаҳрамони қисмати, қалб кечинмаларини бутун борлиғи билан ҳис қилганини англайсиз.

Спектакль давомида ҳаяжонини босолмаган томошабинлар ҳар бир саҳна сўнгида актёрларни қарсаклар билан олқишлаб туришди. Бу асар ва унинг ижрочиларига томошабиннинг холис ва самимий баҳоси эди. Ҳозирги уч-тўртта қўшиқ айтиб-айтмай, ўз нархини фалон долларга чақишдан уялмайдиган, ўзларига ортиқча баҳо қўйиб олганларни бу фидойи, саҳнани қисмат деб билган чинакам санъаткорлар билан асло таққослаб бўлмайди. Ана ҳақиқий санъаткорлар! Спектакль тугагач, ҳар бир ролни маромига етказиб ўйнаган барча актёрларни томошабинлар оёқда тик туриб, давомли қарсаклар билан олқишлади.

Театрдан чиқаётиб, шеригимиз Аҳрор Аҳмедов Тожикистондан келган бир томошабин билан қилаётган суҳбати қулоғимга чалинди:

— Ака, зўр спектакль кўрдим. Кўз ёшларимни тиёлмадим. Ҳақиқий ҳаёт бу! Зўр асар экан. Худо хоҳласа, яна келиб кўрамиз, — деди меҳмон.

Театрдан чиқиб, бир оз пиёда юрдик. “Халқлар Дўстлиги” саройининг ёнидан ўтаётиб, шу ҳашаматли маданият масканига қарадим. Чироқлар порлаб турибди. Тўрт минг кишилик зал тўла бўлса керак. Ҳозирча улоқ қўшиқчиман деган “бирровчи”ларда. Аслида театрда бўш ўрин қолмаслиги лозим.

Мана шундай сермазмун саҳна асарлари қўйилиши давом этса, вақти келиб театрда жой топилмай қолишига шубҳа йўқ. Зеро, театрлар томошабин билан файзли. Театр ҳам яхши бир китоб ёки романнинг ўрнини босиши мумкин.

Шу боис бир-биримизга “Мен театрга тушдим, сиз-чи?” деган саволни бериш, назаримда, жуда ўринли эшитилади.

Анвар АБДУВАЛИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ТУҲФА

ФИЛАРМОНИЯНИНГ ЯНГИ БИНОСИ



Санъаткорлар учун қутлуғ туҳфа барпо этилди. Бу янгилик барча хоразмликларни мамнун қилди.

Куни кеча Урганч шаҳрида Ўзбекистон давлат филармонияси Хоразм вилояти бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Янги бинони топшириш тантанасида вилоятдаги фаол нуронийлар, маданият ва санъат намояндалари, бир гуруҳ ёшлар иштирок этдилар.

Тадбирда вилоят ҳокими Жўрабек Раҳимов қатнашиб, санъат аҳлини муборакбод этди. Мазкур даргоҳда камолга етган, серқирра истеъдод эгаларини жамлаган ижодий жамоанинг Хоразм қўшиқчилик ва рақс санъати ривожидаги улкан хизматлари эътироф этилди.

Филармонияда миллий санъатимиз дарғалари фаолият кўрсатган, ўзларининг бетакрор санъатидан халқимизни баҳраманд этган ноёб истеъдод эгалари етишиб чиққан. Ўзбекистон Халқ артистлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ватанимиз шуҳратини жаҳонга ёйганлар...

Бугунги кунда ҳам филармония жамоаси дунё бўйлаб гастролларда бўлиб, халқаро танловларда ғолиблик шукуҳини ҳис этиб, миллий санъатимизни намойиш қилишмоқда.

Янги кошонанинг муҳташам биноси шаҳар кўркига кўрк бағишлади. Бу ерда санъат аҳли ва ихлосмандлари учун барча қулай имкониятлар, шароитлар яратилган.

— Янги ва гўзал бинода санъаткорлар учун машғулот ўтайдиган заллар, репетиция хоналари, умуман, ҳар бир ижодкорнинг баракали фаолият кўрсатиши учун барча шароитлар яратилганлигидан мамнунмиз, — деди таниқли рақкоса Гавҳархоним Матёқубова. — Янги бино Конституция куни арафасида воҳа санъат аҳлига муносиб туҳфа бўлди. Президентимиз томонидан кўрсатилаётган бундай эъзоз ва ҳурмат, эътибордан бениҳоят мамнунмиз.

Ушбу маданият кошонасининг бунёд этилгани якунланаётган йилда нафақат санъат аҳлига, балки жамики санъатсевар Хоразм эли учун ҳам энг гўзал туҳфалардан бири бўлди.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА.

ТУЙҒУ

Она... Нақадар жозиб, нақадар фусункор ном. Она — чексиз меҳр, мустаҳкам ирода ва сабр соҳибаси. Ҳеч бир инсоннинг онадан ортиқ яқин дўсти бўлмаса керак. Илк қадам ташлаганда ҳам, ҳаёт йўлини танлашда катта қадамлар ташлаганингда ҳам ҳаммадан кўпроқ у қувонади. Бир мушкулот топсанг, ёнингда ҳамдард, тўғри йўлдан қоқилсанг, тиргак ҳам у.

Она — ҳаёт бешиги. У борки, авлодлар шажараси давом этади. Менинг биринчи устозим — онам. Чунки у орқали дунёни англаймиз, сўзлашни ўрганамиз, яхшию ёмонни таниймиз. “Одамнинг қалбида қандай олижаноб туйғулар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси, аввало, она туфайлидир”, дейдилар.



Онам алпапари

Мен ана шундай илмли, зукко бир аёлга фарзанд бўлганимдан бахтлиман. Бугун адиба Маъмура Зоҳидова деган номни кўпчилик яхши билади. У кўплаб шогирдларга устоз. Биз фарзандлари учун дунёдаги энг меҳрибон она.

Жуда яхши эслайман. 7-8 ёшимда онам мактабда дарс берган пайтлар эди. Онамнинг жигарранг муқовали газета-альбомларини томоша қилишни жуда яхши кўрардим. Альбом саҳифаларига онамнинг ўқувчилик, талабалик йилларида босилган турли шеърлари газеталардан қирқиб олиб ёпиштирилган эди. “Бободеҳқонга” шеърини ёд қилиб юборган эдим:

Бободеҳқон, айланайин дилдошингга,
Минг бир таъзим заҳматингга,
бардошингга,
Шунча меҳнат кўп эмасми бир бошингга?
Қўлингдан ризқ ейди асли жами башар,
Чайир елканг Ватан тутиб кетмон яшар.

Онамга тақлид билан, ҳавас билан шеър дафтар тутардим мен ҳам. Эсимни таниб бордим, касб тўғрисида орзулар қилдим. Адабиётга меҳр бердим. Она фарзандига ҳам кўзгу, ҳам намуна бўлар экан!

Онамни илмлар хазинаси десам бўлади. Одамлар онам ва у ёзган асарлар ҳақида фикр айтишса, баъзан: “Ўзим шу оилада туғилганим ростмикин?” деб қоламан. Унинг тинимсиз ҳаракатига, жисмоний ва руҳий қувватига ҳавасим келади. Қай ишни тутсалар, ўнгидан келишига лол бўламан. Гўзал сатрлар ёзадилар, бетакрор насрий асарлари бор. Кўпинча бу асарларнинг биринчи ўқувчиси ўзим бўламан. “Бойчечак”, “Садоқат”, “Манглайдаги ёзиқ” — ҳаёт ҳақиқатидан бунёд бўлган асарлар. Яна бошқалар билмаган битта нарсани биламан: онам қиссаларни ёзаётганда кўп йиғлайдилар.

Ёзганларини ўқисам, хотираларим уйғонади, яқинларимизни, катта бўлган кўчаларимизни кўргандек бўламан.

Болаликда она алласи билан улғаяди ўзбек боласи. Онам бир неча хил алла биларди. Бир укам ва бир синглим бор. Акам иккимиз: “Укамга алла айтмайсизми, ухламаяпти”, деб сўрар эдик. Аслида, онамнинг алласини ўзимиз эшитгимиз келарди. Кулманг, ҳатто вояга етган кап-катта қиз бўлсам-да, бугун ҳам баъзан алла эшитгим келади, айтиб беришларини сўрайман. Негадир энди тортинадилар, кулиб қўядилар.

Яна ҳар кеча эртак сўрардик. Ҳар куни янги эртак айтардилар. Онам айтган эртаклар яхшилик билан тугарди. Билмас эканман, онам кўп эртакларни ўзлари тўқир эканлар. Чунки чарчаб қолиб, “Қолганини эртага айтиб бераман”, деганларидан кейин эртасига қаҳрамонларнинг отини ўзлари унутиб қўярдилар. Бунга анча катта бўлганимда ақлим етди. Ўша эртаклар ёзилганидами...

Она фарзандининг шодлиги, қувончи учун ҳар ишга тайёр экан. Сабр-тоқатда бардам, иродаси мустаҳкам. Аёл — Яратганнинг мўъжизаси!

Шаҳарга кўчиб келган йилларимизда бироз қийналиб кун ўтказар эдик. Ижара, яшаш учун харажатлардан ташқари, биз тўрт боланинг истаклари бир жаҳон эмасми? Онам давлат ишидан ташқари ошхонада кечки вақтларда идиш ювиб пул топиб келар эдилар. Ўша пайт унчалик эътибор бермагандирман, музлаган, увушиб қолган қўллар биз учун меҳнат қилганини. Кейинроқ матбуотда чоп этилган, “Истанбул кафеси” ҳикояларида ҳам шу воқеаларни ёзган эдилар.

Яхшиликларимиз, меҳримизнинг энг аввали онамизга бўлиши керак. Ҳар дам дуоларини олишга муштоқман. Ахир учта сўзсиз қабул бўладиган дуолардан бири ота-она дуоси экан-ку.

Ўтган йили Президентимизнинг Фармонига биноан II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирланди. Бундан мен онамдан ҳам кўпроқ севиндим.

Онам — мен учун бир жаҳон, дардимга малҳам, ёпилмайдиган эшигим. Адиб ёзганидек: “Ҳамма ўзи учун яшар экан, фақат онагина болаларим деб ўтар экан”. Меҳрибон қўлларингизни юзимга суртайин, Онажоним!

Гулнора ШЕРМАТОВА

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Адади: 3 111
Буюртма — Г-1244
1 2 3 4 5 6
Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 21²⁰

ISSN 2181-0680

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.